

Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ,

Ўзбекистон Миллий университетининг дотсенти

ПОКЛАНИШ САОДАТИ

Аллоҳ таолога ҳисобсиз шукроналар бўлсинки, барчамиз баракотли, фазилатлари билан ойларнинг энг улуғи – Рамазони шариф

инсониятнинг ибтидосига бориб тақалади. Ривоят қилинишича, қачонки Одам алайҳиссалом жаннатдаги тақиқланган мевадан еб гу-

Муҳаммад (с.а.в.) ва умматларига эса фақат кундуз кунлари рўза тутмоқлик фарз бўлди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: «Эй имон келтирганлар, сизларга рўза сизлардан олдингиларга фарз қилингани каби фарз қилинди. Уни адо этсаларингиз, тақводор бўласизлар! (Бақара, 183, мазмуни).

Анас розийаллоху анху нақл қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бир неча хурмо еб олмасдан ҳайит намозига чиқмас эдилар. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам хурмони тоқлаб (1, 3, 5) ер эдилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам, Абу Бакр ва Усмон розийаллоху анхулар бирлан бирга ҳайит намозини ўқидим. Уларнинг ҳаммалари ҳам ҳайит намозини хутбадан аввал ўқидилар».

Имом Бухорий ривояти

рўзасини тутмоқдамиз, катта байрам Рамазон ҳайитини интиқ кутмоқдамиз.

Яратганнинг барча амрлари каби рўза тутишда ҳам инсонларнинг ўзлари учун беҳисоб манфаатлар мавжуд. Аввало, мўмин рўза тутиш орқали Аллоҳ таолонинг ҳукмини адо этади. Унинг розилигини топади. Ўттиз кун рўза тутган киши амалда очлик машаққатини ўз жисмида синаб кўради. Натижада, унинг қалбида фақир, мискин кишиларга нисбатан раҳм-шафқат уйғонади. Бу эса, ўз навбатида, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат туйғусининг кучайишига сабаб бўлади. Нафсни тийиш инсонда сабр-қаноат туйғусини тарбиялайди.

Рўза тутиш мусулмонларга Пайғамбар (с.а.в.) ҳижратларининг иккинчи йилида фарз қилинган бўлса-да, унинг тарихи, асл моҳияти

ноҳқор бўлдилар, бу меванинг таъсири ўттиз кунгача муборак вужудларидан кетмади. Шунда Аллоҳ таоло

Ибн Аббос розийаллоху анху ривоят қиладилар: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Рўза ҳайити куни икки ракат ҳайит намози ўқидилар, ҳайит намозидан аввал ҳам, кейин ҳам намоз ўқимадилар. Сўнг, хотинлар жомаси олдида бордилар, у киши бирлан бирга Билол ҳам бор эрди. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам хотинларни садақа бермакка даъват қилдилар. Хотинлар Билолнинг этагига садақа ташлай бошладилар. Биров сирғасини, биров билагузугини ташлади».

Имом Бухорий ривояти

рўза тутмоқни буюрди. Рўза шарофати билан Одам алайҳиссаломнинг вужуди гуноҳга сабаб бўлган мев таъсиридан халос бўлди.

ҳияти ҳам руҳан, ҳам жисман покланишдир.

(Давоми 10-бетда)



Рамазон ҳайити муборак!
Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ
Покланиш саодати 1

Рамазон қувончлари
Қадр кечасини хурматлаш 5

Хушхабар
Билимлар синови 6

Мусулмон одоби
Ҳайз ва унга оид ҳуқумлар 7

Амри маъруф
Дўстмамат КАРИМОВ
Илм сари қадамлар 8

Рамазон тарихидан
Рамазонда кечган тарихий ҳодисалар 10

Қадрият
Муҳаммадҷон АЛИҲОЖИЕВ
Зиё масканлари 12

Ибратли ривоят
Шайх, хизматчи ва яхши оқибат 13

Рангин туйғулар
РАЙҲОНА
Ёлғизлик тунни 14

Бўлган воқеа
Аъзам ҚАМБАРОВ
Огоҳлантириш 15

Шеърят
Аҳмадҷон ИБРОҲИМОВ
Ҳазрати Билол (р.а.) муҳаббати 20

Мулоҳаза
Низомиддин ЛАТИФ
Ниманинг ҳадисини олгансиз? 21

Турфа ҳолатлар
Маъруф МУСЛИМ
Шайтон ҳийлалари 23

Насиҳат
Раҳима ҲУСНИДДИН қизи
Сўраганингизга етасиз 23

Адабий таҳлил
Эргаш ОЧИЛ
Илоҳи, ўзинг сори йўл кўргуз 24

Мерос
Ҳазрати Усмон (р.а.) мусҳафи 26

Рамазон совғалари
Рўзанинг фойдалари 28


Тафаккур
Тоҳир МАЛИК
Шудринг томчилари 30

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Рамазон қувончлари

4



Қадр кечасида ушбу дуони ўқиш мустаҳабдир: «Аллоҳим! Сен афв қилгувчисан, афв қилишни яхши кўрасан, мени афв эт».

Рамазон фиқҳи
Муҳаммад СИДДИК

11

РАМАЗОН РЎЗАСИНИ
ТУТМАСЛИККА УЗРЛАР

Ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳам рўза тутишларида ўзларига ё фарзандларига зиён борлигидан хавф этсалар, уни кейинга қолдиришлари мумкин.

Имомларимиз билан суҳбатлар
Усмонхон АЛИМОВ

16

ФИҚҲИЙ МАСАЛАЛАР
КЕНГРОҚ ЁРИТИЛСА

«Ҳидоят» журналинини барча мўмин-мусулмонлар севиб ўқишяпти. Шунинг учун биз бу журналга обуна ишларини йил давомида ҳеч тўхтатмаймиз. Ҳар бир мажлисда шу масала албатта ўртага қўйилади.

Ислом ва олам

Қуръон ёнмади

18



Доғистон Республикаси Ахвах туманида яшовчи Абдулхамидов Тагирнинг уйига ўт кетганида уйдаги ашёлар буткул ёнгани ҳолда, деворда осиглиқ Қуръонга олов тили тегмади.

Амри маъруф

Абдул МУТТАЛИБ ДЎСТҚУЛ

22

МАҚТАЛГАН СИФАТЛАР

Мўлжаллаган хайрли ишларимиз мусибат сабабли амалга ошмай қолади. Шунда биз мусибатни Аллоҳдан кўрмай, турли сабаб ва баҳоналар излай бошлаймиз, айбдорларни қидирамиз ва ундай қилмай, мана бундай қилсам бўлар экан, деймиз.

Сўранг, жавоб берамиз

27

Бир саволим бор

Садақаи фитр закот олиши мумкин бўлган кишиларга берилади. Шунингдек, уни зиммийларга ҳам бериш мумкин. Садақаи фитрни ота-онага, бобо-бувига, фарзандларга, набраларга, хотин ё эрга бериш мумкин эмас.

Рамазон иқлимлари

Илҳом ЭШОНЖОН ўғли

29

САУДИЯДА РАМАЗОН ҲАЙИТИ

Бу ярмаркаларнинг ўзига хослиги шундаки, ҳар бир тижоратчи ҳайит табриклари ва Қуръон оятлари ҳамда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам ҳадислари ёзилган шиорлар билан харидорларни чорлаш мақсадида махсус жарчиларни ёллайдилар.



«HIDOYAT»
Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Тахрир хайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Фозил қори СОБИР
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Сирожиiddин АҲМАД
Абдуқаноун ҲИКМАТ
Нуриимон АБУЛҲАСАН
Абдулжалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани


Абдулбоқи ҳожи ИМОМХОН ўғли
тайёрлади.
Бадий муҳаррир
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли
Тартибловчи
Қудрат ЖУМА ўғли
Компютерчи
Мунира МАСЪУДАЛИ қизи
Мусахҳиҳа
Райҳона ХОЛБЕК қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:
Фарғона вилояти – 8. 3732. 24-25-28
Директори Салоҳиддин Нуриддин
Андижон вилояти – 8. 3742. 24-34-04
Директори Уктам ҳожи Умурзоқ

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй, Тел: 40-17-97.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қўмитасида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 00079.
Босишга 2001 й. 21 ноябрда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2001 йил 27 ноябрда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108 1/16. Адади 4200 нусха.
200-сон буюртма. «KONI NUR» МЧЖда босилди.
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-III
компютерида саҳифаланди.

Кўл ёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганда
исми шарифлар тўлиқ ёзилиши, манзил тўғри
кўрсатилиши шарт.



Минг ойдан яхшироқ

Қадр кечасини қадрлаш мустаҳабдир. Чунки бу кеча шарафли, муборак, фазилатли ва кўп хайрларга тўла бўлади. Бу кечада қилинган дуолар, ибодатлар мақбулдир. Бу кеча ҳақида Аллоҳ таоло Қуръони каримда: *«Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир»*, деб марҳамат қилган. Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу муборак кеча ҳақида шундай деганлар: *«Хар ким имон билан ажрини Аллоҳдан умид қилган ҳолда Қадр кечасини ибодат билан ўтказса, ўтган барча хатолари, гуноҳлари мағфират қилинади»* (Имом Бухорий, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривояти: Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан).

«Қадр кечасини Рамазоннинг охириги ўн кунининг тоқ бўлган кечаларидан изланглар» (Абу Саъид ал-Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган).

«Қадр кечасини излаганлар (Рамазоннинг) йигирма еттинчи кечасидан изласинлар» (Имом Аҳмад ривояти: Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан).

Қадр кечаси ҳақида Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу бундай деганлар: *«Қадр сураси ўттиз калимадан иборат. Йигирма еттинчи калима Қадр кечаси калимасидир»*.

Ибн Ҳажар раҳматуллоҳи алайҳ «Фатҳул-Борӣ»да бундай деб ёзган: *«Қадр кечасининг қай вақтда эканлиги ҳақида қирқ хил қараш (фикр) айтилгандир. Бу қарашларининг энг қувватлиси Ра-*

мазоннинг охириги ўн кунлиги ва тоқ кечаларидан бирида бўлишидир. Бу кеча кўчиб юради. Санъоний бундай деган: *«Энг қувватли қараш Қадр кечаси Рамазоннинг охириги ўн кунлигида йигирма еттинчи кечада эканидир»*.

Қадр кечасида ушбу дуони ўқиш мустаҳабдир: *«Аллоҳим! Сен афв қилгувчисан, афв қилишни яхши кўрасан, мени афв эт»*.

Қадр кечасининг аломатлари

Бу ҳақда энг машҳур қараш Убай ибн Каъб розийаллоҳу анҳунинг Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилгани мана бу ҳадиси шарифдир: *«Қадр кечаси тонгида қуёш шуъласиз оппоқ бўлиб чиқади»* (Имом Аҳмад Имом Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган).

Баъзи ҳадисларда: *«Тасдай оппоқ»* ифодаси бор. Яна Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қуйидагилар ривоят қилинган: *«Қадр кечасининг аломатлари ушбулардир: Кеча соф, сокин бўлади. Ҳаво мулойим, тинч-осуда, иссиқ ҳам эмас, совуқ ҳам эмас. Бу кечаси ҳеч бир юлдузнинг тушиши воқеъ бўлмайди (яъни, жин ва шайтонларга учар юлдуз-ўқлар отилмайди, чунки бу кечада кўкда асло жин ва шайтонлар изғий олмайди). Бу кечанин аломатларидан яна бири тонгда қуёш ўн тўрт кунлик ой каби шуъласиз (оппоқ бўлиб) чиқади. У кун шайтоннинг қуёш билан бирга чиқмоғи воқеъ бўлмайди (яъни, чиқолмайди)»*.

Рамазон рўзаси ҳижратнинг иккинчи йили Шабон ойидан аввал қибла Каъбага ўзгартирилгандан сўнг бир ярим йил кейин фарз бўлган. Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўққиз йилда тўққиз Рамазон рўзасини тутганлар. Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижратнинг ўн биринчи йили Рабиул-аввал ойида вафот этганлар.

«Ал-фикҳул-исломийю ва адиллатуху»

(Проф. Доктор Ваҳби Зуҳайлий) Дарул-фикр, Дамашк, Рисола.

Ибн Ҳузаймининг Ибн Аббосдан ривоят қилишича: *«Қадр кечаси сокин бир кеча бўлиб, совуқ ҳам эмас, иссиқ ҳам эмас. Қадр кечасининг кундузида қуёш қирмизи ва заиф (хира) бўлади»*. Аҳмад ибн Ҳанбал Убода ибн Сомитдан ушбу ҳадисни ривоят қилган: *«Қадр кечасида иссиқлик ҳам, совуқлик ҳам йўқ. Бу кеча сокин ва (кўк юзи) очиқ бўлади, бу кечада ой порлоқдир»*. Шунингдек, Қадр кечасида шўр денгиз суви чучук ва тотли бўлиб қолиши ҳам нақл қилинади.

Баҳриддин УМРЗОК
тайёрлади

ҚАДР КЕЧАСИНИ ҲУРМАТЛАШ

Савол: Қадр кечасининг фазилати ва ҳурматланиши ҳақида саҳиҳ маълумотлар борми?

Жавоб: Саволга жавоб учун аввал куйидагиларни билиб олишимиз зарур:

1. Тушунча.

Баъзи пайтлар учун иш ҳақи одатдаги кунлардагига қараганда бир неча баробар кўпайтириб берилади. Баъзи муҳим воқеалар кечган кунларга иззат-икром кўрсатилиб, алоҳида нишонланади. Баъзи подшоҳлар ўзларининг тахтга ўтирган ва ё иш бошлаган кунларини қадрлаб, «жулус» (яъни, «тахтга ўтириш») ҳадяларини улашадилар. Гоҳида эса, авфи умумийлар эълон этилиб, жуда катта жазолар ҳам бекор қилинади...

Булар бизга қадр кечасини тушунишимизга бир мисоллар холос. Чунки бу кечанинг соҳиби Сонийдир, Жавводдир, Қарийдир, Раффордир.

Унинг ҳазинаси, жўмардлиги, қарами, кечиримлилиги бошқаларга ўхшамайди. У инсонлардан қанчалар буюк бўлса, Унинг совғалари ва авфи ҳам бошқаларникидан шунчалар буюқдир. Ҳазиналар уни қўлганидек кимга қанча беришни ҳам У билади.

Қадр кечаси Унинг ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларига бир совғаси, кечирим эълони ва бир икромидир. Бу ҳол Аллоҳ жалла жалалуху қулларига нақадар меҳрибонлигини ва азобдан қутулишларини қанчалар хоҳлаганини айрича исботлайди.

2. Моҳияти. «Қадр» нима дегани?

Арабча қалима бўлган «қадр» аслида «куч етиши» маъноси билан бирга ҳукм, тақдир, шараф, улғлик ва тазйиқ тушунчаларини ҳам билдиради.

Қадр кечасига «Ҳукм ва тақдир кечаси» ҳам дейлади. Ду-

хон сурасида «Қуръон буюқ ишлар айрилиб, ҳукм берилган кечадан нозил бўлди», дейилишида шу кечга ишорат бор. Қуръони қарим воқеий равишда йигирма уч йил давомида нозил бўлганига кўра, Қадр кечасида туширилди дегани «бу дунё самосига нузули» маъносидадир.

Шараф ва улғлик маъносини ташиши шунданки, бу кеча минг ойдан шарафли ва янада буюқдир ва ё қадр-қиймати ва шарафи бўлмаган бир киши у кечанинг ихё этиши билан шараф ва қийматга эга бўлади.

Тазйиқ маъносида келиши эса, бу кеча малакларнинг тушиши билан ер юзида буюқ бир издиҳом



ва торайиш содир бўлишидандир. Натижаси қутулиш бўлган ва шарафли воқеалар катта шиддат ва зулмлар билан кечишини айрича кўрсатади. Қадр кечасида бу уч тушунча ҳам бордир ва «Қадр кечаси» таъбири сурада уч ерда такрорланиши уларга ишорат учун бўлиши мумкин.

3. Вақти.


Жума кунда «ижобат соати», амалларда Аллоҳнинг ризоси, гуноҳлар ичида ғазаби, қисмат вақти, инсон қаерда ва қачон ўлиши, беш

вақт ичида «вусто» намози, Аллоҳнинг исмлари ичида «Исми Аъзам»и, қуллари ичида солиҳ ва валий қуллари... яширингани каби, Қадр кечаси ҳам кечалар ичига яширинган. Бунинг ҳикматлардан бири инсонлар бунга ишониб бошқа вақтларда исенга бормасинлар. Яна бир ҳикмати Қадр кечасини топиш умиди билан бутун Рамазонни ихёо этишлари учундир. Шундай бўлса-да, соғлом ривоятлар уни Рамазонда ва Рамазоннинг йигирма еттинчи кечасида эканлигига ишорат қилади. Чунки Қадр сурасида Қуръони қаримнинг Қадр кечасида, Бақара сурасида эса, унинг Рамазонда нозил бўлгани билдирилади. Демакки, Қадр кечаси Рамазон ичидаги кечадир.

Гарчи бир қанча саҳобий ва буюқ имомлар Қадр кечасини Рамазоннинг Бадр жанги бўлган ўн еттинчи кечаси, айрича йигирма, йи-

гирма бир, йигирма икки... йигирма тўққизинчи кечаси эканлигини ривоят қилган бўлсалар ҳам, аммо йигирма еттинчи кеча деб ривоят қилганлар янада равшан ва кўпдир. Бошқаларнинг ривоятларини ўша йилги Қадр кечасини улар айтган, деб қабул қилинади. Қадр сурасида уч бор такрорланган «Лайлатул қадр» ифодаси ҳарфларининг жами йигирма еттита бўлиши, шунингдек, айни сурада Қадр кечасини кўрсатувчи «ҳийа», яъни «у кеча» замири су-

БИЛИМЛАР СИНОВИ



Муборак Рамазон ойи арафасида Ўзбекистон мусулмонлари идорасидан бир қувончли хабар ёйилди. 14 ноябр куни бу ерда мамлакатимиздаги жоме масжидлари имом-хатибларининг «**Истиклол менинг тақдиримда**» республика кўрик-танлови ўтказилди.

Авалло, туманлар, сўнгра вилоятлар бўйича ўтган синовларнинг голиблари – 12 нафар ими-хатиб танловнинг сўнгги босқичи иштирокчилари бўлишди. Улар қироат,



ақида, фикҳ ва бошқа илмлар юзасидан шартларни бажариб, саволларга жавоб бериб, билим-тажрибаларини намойиш этдилар.

Кўрик-танлов ҳайъати Тошкент шаҳридаги «Имом Бухорий» жомеининг имом-хатиби Фуломқодир Мирзаёкубовни биринчи, Андижон шаҳри «Боботаваккал» жомеининг имом-хатиби Соибжон Абдурахмоновни иккинчи, Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги «Килдон» жоме масжидининг имом-хатиби Тўлқин Равшановни эса учинчи ўринга муносиб топди.

Голиб имом-хатиблар гуруҳ раҳбари бўлиб муборак ҳаж сафарига бориш имконини қўлга киритишди. Шунингдек, уларга ҳомийларнинг совғалари ҳам топширилди.

ранинг йигирма еттинчи калимаси экани ҳам бунга ишорат қилади. Аллоҳ Расулининг (с.а.в.) Рамазоннинг сўнгги ўн кунини эътикофга кириб, жаҳд ва ғайрат билан ўтказишлари, Қадр кечасининг ҳам шу кунларда эканига ҳамда мутлақо бир кечага махсус эмаслигига ишорат қилади. Зотан, Аллоҳ Расули (с.а.в.) «*Қадр кечаси менга кўрсатилди ва сўнгра унуттирилди*», деганлар.

Қадр кечасида Қуръони карим нозил бўлганига кўра, бу кеча бир мартагина бўлиб ўтган деган фикр ақлга келиши мумкин. Фақат Қадр сурасида «*У кеча малаклар нозил бўлар...*» дейилгани, «*...нозил бўлган...*» дейилмагани унинг такрорланишини кўрсатади. Шундай экан, Қуръони карим нозил бўлга-

ни учун у кеча қадри бўлди, деб эмас, балки, Қуръони карим нузули Қадр кечасига тўғри келди, деб тушунишимиз лозим.

Шоҳ Валиulloҳ Қадр кечасини иккига ажратади: бири бутун йил ичида, иккинчиси Рамазоннинг сўнгги ўн куни ичида яширинган, дейди.

4. Нега «Минг ой»?

Қадр кечаси минг ойдан хайрли дейилиши хайрлилиги минг ой билан ўлчанади дегани эмас, балки хайрининг жуда кўп эканини кўрсатиш учундир. Бунинг асил миқдорини Аллоҳ жалла жалалуҳу билади. Шу билан бирга, «минг ой» дейилиши мавзуда баъзи ривоятлар ҳам бор. Мусулмонлар эски Исроил ўғилларидан бир йигитнинг минг ой жиҳод қилишига, ёки

бўлмасам, тўрт кишининг саксон йил (яқин минг ой) тинимсиз ибодат қилишига ҳаваслари келиши, ва ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз умматлари умрини оз кўриб, бу қисқа умрда охират озиғи тайёрлай олмасликларидан андиша қилишлари «минг ой» дейилишига сабабдир. Аллоҳ (ж. ж.) элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламини ва у Зотнинг умматларини шу тариқа сийлагандир, дейилади.

5. Қандай ҳурматланади?

Қадр кечаси Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларига Арафа ва Жума ҳам дохил барча кун кечалардан устун эканини ҳамма эътироф этади. Расулуллоҳнинг ўзлари учун меърож кечаси янада устундир).

ПОҚЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Сақкизинчи сабоқ

ҲАЙЗ ВА УНГА ОИД ҲУКМЛАР

Ҳайз, нифос ва истихозага оид илм ҳар бир мусулмон эр ва аёл билиш лозим бўлган илмлардандир. Ҳар қандай чиққан қон луғатда «ҳайз» дейилади. Шаръий истилоҳда эса «ҳайз» деганда аёл бачадонидан маълум рангларда муайян вақтларда чиқувчи қон тушунилади.

Ҳайз қора, қизил, сарик, яшил, лойқа ва тупроқ рангларида бўлади. Унинг энг оз давом этиш муддати уч кеча-кундуздир. Энг кўп чўзилиши ўн кеча-кундуздир, ундан ошмайди.

Куйидагилар шаръан ҳайз ҳисобланмайди:

- уч кеча-кундуздан кам чиққан қон;
- ўн кеча-кундуздан сўнг келган қон;
- ҳомиладор аёлдан келган қон;
- бола кўришдан қолган катта ёшдаги аёлдан чиққан қон;
- балоғатга етмаган (9 ёшгача) қиз кўрган қон.

Ҳайз кўрган аёл:

- рўза тутмайди (тоза бўлгач, қазо қилиб тутади);
- намоз ўқимайди (тоза

бўлганидан сўнг ҳам қазосини ўқимайди);

- эри билан қўшилмайди;
- мусҳаф ва оят ёзилган лавҳларни ушламайди;
- Ёддан ҳам Куръон ўқимайди;
- Каъбани тавоф қилмайди;
- масжидга кирмайди;
- ҳайз муддати ўтса, ғул қилади (ғул тартиби еттинчи сабоқда баён этилган), яъни, ғул қилиши вожиб бўлади;
- агар эри талоқ қилган бўлса, уч ҳайздан сўнг иддаси тугайди.

Икки ҳайз оралигидаги тозаликнинг энг кам миқдори ўн беш кеча-кундуздир. Тозаликнинг давомийлигининг чегараси йўқ. Баъзи аёллар йиллар давомида ҳайз кўрмай юришлари мумкин. Узоқ вақт ҳайз кўрмай юрадиган аёлнинг иддадан чиқиш масаласи қандай ҳал қилинади?

Бу борада уламолар турлича фикр билдиришган. Масалан, Муҳаммад ибн Иброҳим Майдо-

ний бундай аёлнинг тозалик муддатини энг кўпи билан бир соати кам олти ой деб белгилаганлар. Бундай аёлнинг иддаси уч соати кам ўн тўққиз ой ўн кундан сўнг чиқади, дейдилар. Яъни, талоқ қилинган кунини у аёлнинг ҳайзи бошланган кун дейилиб, шундан бир соати кам олти ой вақт ўтгач, кейинги ҳайз муддати бошланади, деб эътибор қилинади. Чунки бу аёл учун ҳайз кўрмай юриш муддати бир соати кам олти ойди. Шуниси талоқдан кейинги биринчи ҳайз ҳисобланади. Аввалгиси, яъни, талоқ қилингандаги ўн кун муддат идданинг биринчи ҳайзига кирмайди. Ҳайз ўн кун давом қилган ҳисобланади ва шу тартибда яна икки ҳайз кўради. Демак, уч ҳайз муддати жамланса, бир ой бўлиб, улар орасидаги тозалик даври уч соати кам ўн сақкиз ой бўлади. Бир ой билан ҳаммаси уч соати кам ўн тўққиз ой ва ўн кундир.

Абу Саҳл Фазолий эса, мазукура аёлнинг тозалик муддатининг кўпи икки ой деб кўрсатганлар («*Мабсут*»и *Сараҳсий*).

Шундай экан, бу кечани қадрлашнинг савоби албатта буюк бўлади. Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Ким ишониб ва фақат Аллоҳ ризоси учун Қадр кечасида бедор бўлса, ўтган гуноҳлари кечирилади*», деб марҳамат қилганлар. Демакки, кечани эҳтиром қилишнинг илк шарты бедорлик, яъни ухламасликдир. Бедор бўлиб нималар қилиниши лозимлиги ҳақида махсус кўрсатма йўқ. Намоз, Куръон тиловати, дуолар ва тафаккур қилишлар суннат-ла собит ишлардир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буларнинг барчасини бажарганлар. Рамазоннинг сўнгги ўн кунни келганида кечаларни иҳйо қилардилар. Оилалари билан ибодатга кўп ғайрат кўрсатардилар. Шунингдек, охириги

ўн кун эътикофда бўлишлари ҳам Қадр кечасини танишга ва иҳйо этишга йўналган бир суннатдир.

Ойша онамиз розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Қадр кечасида нималар қилинади деб сўраганларида: «*Аллоҳим, Сен кўп кечиргувчисан. Афвни севасан. Мени ҳам афв эт*», деган дуони ўқишни тавсия этадилар.

Демак, у кечада айтиладиган дуоларнинг гўзали кечирим истадир. Хуфтон ва бомдод намозларини жамоат бирла ўқиш кечани иҳйо қилишга яқин бўлгани учун энг камида шуни бажариш керак. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам балки шунга ишоратан: «*Қадр кечаси хуфтон намозида жамоатда ҳозир*


бўлган, ундан насибинни олибди» деганлар.

Яна, Рамазоннинг ҳар кечасида қилинажак дуо жуда катта эҳтимол билан Қадр кечасига ҳам тўғри келиб қолиши мумкинлигидан қабул бўлишига қувватли умид қилинади. Шу жиҳатдан: «*Ундан маҳрум бўлган жуда катта нарсдан маҳрум бўлибди*», деганлар. Инсон бу мустасно кун ва кечага муҳаббати ифодаси ўлароқ, Рамазонда бошқа бутун кунларга қараганда ғайратли, Қадр кечасида эса, Рамазон кунларидан ҳам ғайратлироқ бўлиши керак. Ҳатто Қадр кечасининг кундузи ҳам бошқа кунлардан кўра кўпроқ дуода ва ибодатда бўлиш суннатдир. Барча мусулмонларнинг мушуққуларига чора истаб дуода бўлиш мустаҳабдир.

Дўсмамат КАРИМОВ,
Тошкент Ислам институти,
3-курс толиби

ИЛМ САРИ ҚАДАМЛАР

Илм гоё эмас, воситадир. Бу воситанинг гоёси инсонни ҳақиқий ҳаёт ичра яшатиш ҳамда яратилишидан мақсадни илмий далиллар билан билдиришдир.



Жаҳолат инсоният душманларининг энг қабиҳидир. Жохил киши мавжудотнинг энг қоғоли ва ачинарлиси бўлиб, жамиятда кераксиз аъзодек яшаб ўтишга маҳкумдир. Шу боис одамзот (айниқса, ёшлар) ҳар нарсани билишга, жамиятда инсонлик номига яраша мавқеъ эгаллашга, тўғри билан эгрини, ҳақ билан ботилни ажратиш қобилиятини ҳосил қилишга интилиб яшайди.

Бу йўлда диққат қилинадиган баъзи қоида ва ўлчовлар борки, киши бунга риоя қилса, ишида муваффақият бўлади, саъй-ҳаракат ва ғайрат мақсадли бўлиб, ёт ва янглиш фикрлар домига тушиб қолишдан сақланади.

Куйидаги ўлчов ва қоидалар тажрибада синалган ва фойдалидир:

1. Илм талабидаги ҳар бир ёш жаҳолат ботқоғидан қуту-

лишни асосий мақсади деб билиши ва жаҳолат энг ёмон иллат эканига қатъий қаноат ҳосил қилиши керак.

Раббимиз Куръони каримда жаҳолатнинг қабоҳатидан

огоҳлантириб: **«Ҳеч билганлар билан билмаганлар бир (тенг) бўладими?!»** дея хитоб қилади, инсонни фикр юриштишга чорлайди.

Албатта, ҳеч қачон тенг бўлмайди. Чунки билган ҳақни топади, билмаган ботил эътиқод ва тушунчалар чанга-лига тушади.

2. Илм ўрганиб жаҳолатдан халос бўлишдан мақсади нима эканини аниқ белгилаб олиши лозим.

Жаҳолатдан қутулишдан асосий мақсад тўғри билан эгрини билиш, ҳақ ва ботилни бир-биридан ажратишдир.

Агар илм инсониятни эзгу мақсад сари етакламай аксинча, ботил фикрлар домига тушиб қолишига сабаб бўлса, у илм эмас, балки жаҳолатнинг бошқа бир кўринишидир.

Бинобарин, илм толиби бу илмни Ҳақни топишга ва Уни танишга восита этмоғи, ботил

йўллар чангалидан қутулиш қуроли қилмоғи лозим. Бошқа тушучалар ё дунёвий бойлик ва ё шон-шараф илмнинг табиий ҳосилларидир, ҳеч бир замон асосий мақсад бўла олмайд.

Ўтган аср ўрталарида коммунистик тузумдаги мактабларда худосизлик фикрларини мажбуран ўқиётган ўқувчилар охиратларини қандай қутқариш ҳақида машҳур бир олимдан маслаҳат сўрашибди: «Бизга Аллоҳни танитинг, ҳазрат. Муаллимларимиз Аллоҳни инкор қилиб баҳс юритяптилар ва биз кўрқяпмиз, дейишибди. Олим уларга: «Сизлар мактабда ўқиётган ҳар бир фан ўзига хос тили билан буюк Яратувчини таниттиради. Демак, муаллимларнинг талқинича эмас, балки ўқиётган фанларининг моҳиятига кулоқ солинглар», дебди. Дарҳақиқат, инсоний шуур воситаси билан кашф қилинган юзлаб фан бир маънода Аллоҳнинг Ҳақим исмининг жилвасидир. Яъни, илм-фан Яратувчини таниттирувчи ўқитувчидир. Бизларнинг вази-фамиз уларнинг тилини тушуна билмоқдир.

3. Қўлга киритилаётган илм-нинг инсониятга манфаатли ва керакли эканига эътибор қаратилмоғи лозим.

Ҳа, дунё фонийдир, умр сармоёси оздир. Керакли ишлар кўпдир. Демак, энг лозим ва фойдали юмуш биринчи ўринда бажарилади.

Ўзбек халқ мақолларида бу хусусда жуда кўп ибратли мисоллар бор. «Илм кўп-у, умр оз, керагини ол-да, тошга ёз», дейди доно халқ. Яна: «Оламнинг кети йўқ, билимнинг чеки йўқ», деб ҳам айтганки, бу билан: «Дунёда илм ҳаддан ташқари кўп, кишининг умри чекланган. Шундай экан,

ҳамма билимларни эгаллайман деб овора бўлмаёк қўяқол, барибир эриша олмайсан, бунга сабру бардошинг ҳам, умринг ҳам етмайди. Илмлар орасида ўзингга керагини ол, ҳаётий мақсадингга мос келадиганини танлагинда, уни пухта эгалла, токи ўқиб ўрганган, билган нарсаларинг, худди тошга ўйилган ёзувдек миангга ўрнашиб қолсин ва жаннатга киришингга васила бўлсин», дея насиҳат қилади.

4. Ҳосил қилинган илм билан инсонларга хизмат қилишни нафл ибодат ва муҳим хизмат деб билиши лозим.

Зеро, Пайғамбаримиз солаллоху алайҳи ва саллам бир муборак ҳадисларида одамларнинг энг хайрлиси инсонларга манфаати тегадиган киши эканини таъкидлаганлар.

Дарҳақиқат, инсонларга фойдали бўлмаган, аксинча, уларни тўғри йўлдан тойдирадиган «илм» илм эмас, балки алам ичра аламдир. У кишининг жавобгарлигини кўпайтиради, файз ўрнига тушқун бир кайфиятни туғдиради.


5. Илм толиби намунали шахс бўлиши лозим.

Яъни, ўрганган илмига амал қилишда бошқаларга ўрнак бўлсинки, шояд Аллоҳ унинг билимини янада зиёдалаштиришса.

Илм таҳсили кўнгилдагидек бўлиши учун буюк зотлар тажрибаларида синалган қуйидаги жиҳатларга диққат этмоқ зарурдир:

1. Илм толиби емоқ, ичмоқ ва ухламоқни тарк қилмасин, лекин буларнинг энг оз миқдори билан кифояланмоғи даркор. Оз нарсага қаноат бутун куч-ғайратни илм таҳсилига йўналтиришга имкон беради.

2. Талаба тижорий суҳбатларга аҳамият бермаслиги, пул топишга зехнини машғул қилмаслиги керак. Умуман, дарди бойлик бўлган кишилар билан улфатчилик қилишдан



узоклашиш мақсадга мувофиқдир. Яъни, илм толиби мусаффо зехнини ҳар хил булганчлардан асрайман деса, диққатни бошқа тарафларга тортувчи кишилар билан илжи борича, дўстлашмасликка, беҳуда суҳбатлашмасликка ҳаракат қилсин. Зеро, ботилни яхши суратда тасвирлаш соф зехнларни залолатга бошлашдикдир.

3. Илм билан алоқасиз, кераксиз, ортиқча, ҳирс ва ҳавони (нафсоний истакларни) ҳаракатга келтирувчи мавзулар билан ҳам машғул бўлмасин. Зеро, кераксиз ишлар асосий мақсад йўлига тўсиқдир.

Луқмони Ҳакимдан сўрабдилар:

– Сенга берилган илм ва ҳақимликка қай воситалар билан эришдинг?

Шунда у жавоб берибди:

– Тўғри сўзлилиқ ва омонатга хиёнат қилмаслик ҳамда ортиқча нарсалардан узоклашиб, фақатгина дарсим билан машғул бўлишлиқ воситасида.

4. Талаба ўзига илм ўргатаётган устозини ҳурмат қилиши керак. Феъли-хўйи ҳурмат-этиборга лойиқ бўлмаса ҳам, уни улуғлаши зарур. «Устоз отангдан улуғ», деган мақол бу сирга ишорат қилади.

Олимлар дейдиларки, устозини ҳурмат қилган талаба-

нинг зехни очилади, илмининг баракаси зиёдалашади, ҳурмат қилмаса, илмида барака бўлмайди, ҳаттоки файзи ҳам йўқолади.

Маънавият соҳасида тараққий топган олимлар илмий тавсияларни билдиришган:


– ҳар доим камтарин бўлгин, ҳеч қачон кибр ва гурурга берилмагин ҳамда сўраш ва ўрганишдан орланмагин. «Сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим», мақолининг сири бунга далолат қилади;

– илм ўрганишга катта қизиқиш билан берилгин, токи бундан бошқа ишлар билан шуғулланиш сени қаноатлантирмасин.

– устозингни ота-онанг каби ҳурмат қил ва қадрини бил. Чунки улар бу дунёда умр бўйи сен билан бирга яшамайдилар. Улардаги илмни ўзингга ўзлаштиришни ғанимат бил.

Ҳазрати Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ айтган эканлар: «Илм шундай бир нарсаки, сен унга бутун борлигингни фидо қилмасанг, унинг ярмини ҳам ололмайсан».

Демак, оддий бир истак, сушт бир орзу ва ҳаяжонсиз бир ғайрат билан илм қўлга киритилмайди ва таҳсил жараёнида муваффақиятга эришилмайди.



РАМАЗОНДА БЎЛГАН ТАРИХИЙ ҲОДИСАЛАР

Рамазон ойида жуда катта тарихий воқеалар содир бўлган. Бу воқеалар Ислом динининг нималарга қодир эканини кўрсатади. Бу ўринда ўша муҳим воқеаларнинг баъзиларини санаб ўтмоқчимиз:

1. Буюк Бадр ғазоти. Бу ғазот Исломда «фурқон», яъни, «ҳақ билан ботилни айиргувчи» деб номланади. Бу уруш мусулмонларнинг устунлиги билан

ҳижратнинг иккинчи йили 17-рамазон жума кунида содир бўлган. Исломнинг ашаддий душмани бўлган Абу Жаҳл шу урушда ҳалок бўлди.

2. Макка фатҳи. Ҳижратнинг саккизинчи йили Рамазон ойининг 10-куни Макка озод этилди. Бутнарастликка чек қўйилди. Каъбадаги бутларнинг барчаси ер билан яқсон этилди.

3. Ҳижратнинг тўққизинчи йили Рамазон ойида Табук ғазотининг бир қисми бўлиб ўтди.

4. Ҳижратнинг тўққизинчи йили Рамазон ойида Тоифдаги Соқиф қабиласи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб Исломга кирганини эълон қилди.

5. Ҳижратнинг ўнинчи йили Рамазон ойида Яманга Ислом кенг кўламда кириб келди.

6. Испаниянинг фатҳи. Ҳижратнинг тўқсон иккинчи йили Рамазон ойининг 28-куни (милодий 711 йили июл ойининг 19-куни) Тариқ ибн Зиёд раҳбарлигидаги шиддатли урушда кофирлар раҳбари бўлган Рузрик устидан ғалаба қозонилди. Сўнгра Куртуба, Ғурната ва Испаниянинг пойтахти бўлган Тулайилия фатҳ этилди.

Рамазон ҳайити муборак!

ПОКЛАНИШ САОДАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Манбаларда таъкидланишича, рўза инсон руҳига, қалбига бошқа ибодатлардан кўра тезроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатади. Шу боис ибодатнинг бу тури жамиятнинг маънавий-маърифий такомилда беқиёс ўрин тутаяди. Зеро, ибодат, риёзат қалбни турли иллатлардан, руҳни ёмон хислатлардан тозалайди. Маънавиятни юксалтиради.

Имом Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий рўзанинг фазилатлари тўғрисида шундай ёзадилар: «**Рўза тутиш жон учун закот, бадан учун риёзат, яхшилик учун даъватдир. Рўза инсон учун гуноҳлардан тийилиш, жамият учун жиноятлардан сақланишдир. Оч баданда қалб бир меъёрда ишлайди, ақл тиниклашади, кўз равшан тортади. Тўқлик дангасалик туғдиради, қалб кўрини ўчиради, зехнни ўтмаслаштиради. Кам уйку ва кам овқат билан қалбларингизга ҳаёт бахш этинг. Шунда қалбларингиз мусаффо бўлади ва тетиклашади**».

Барча улуғларимиз Рамазон ойида аввалгидан-да саҳий, ҳар қачонгидан ҳам меҳрибон ва олийжаноброқ бўлганлиги маълум. Бу муборак ойда айниқса, Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) саховатлари дарёдай жўш урган. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Ҳазрати Наво-

ий ҳам «Рамазон ойида хайрот ва садақанинг миқдорини имкон борича орттиришга тиришган. Ҳар кечаси улуғ саййидлар, замон олимлари, олий мартабали амирлар ва баланд даражали садрлардан кўпгина киши ул зот ҳузурда ифтор қилишарди.

Ул ҳазрат меҳмонларни риоя қилиб, овқатни ўзлари тортарди. Шундан кейингина саҳий қўлини таом ейишга узатарди...»

Рамазон ойида то ҳайит намози ўқилгунга қадар ўзига тўқ мусулмонларнинг муҳтож ва хожатмандларга фитр садақаси бериши вожиб амаллардандир. Бунинг ҳикмати – улуғ Ҳайит айёми арафасида мискинлар ва бевабечораларнинг қалбларига қувонч бахш этиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қуватлаш, одамлар ўртасида меҳр-мурувват туйғуларини уйғотишдир. Шунингдек, манбаларда фитр садақаси мусулмонларнинг Рамазон ойида билиб-билмай қилган гуноҳларига каффорат бўлиши зикр этилган.

Аллоҳга шукрлар бўлсин, истиқлол шарофати билан маънавий-руҳий покланиш ойи Рамазон ҳайитини муносиб кутиб олиш имкониятига эга бўлдик. Бу нарса Яратганнинг улуғ неъматидир. Муборак ҳадиси шарифда зикр этилганидек: «**Берилган неъматлар учун шукр айтиш ушбу неъматларнинг зиёда бўлишига сабаб бўлади**». Аллоҳ таоло барчамизни шокир ва зокир, муҳаббатли қулларидан айласин. Омин.

РАМАЗОН РЎЗАСИНИ ТУТМАСЛИККА УЗРЛАР

Рўза тутиш рамазон ойида фарз бўлса-да, бир неча узрлар сабабли уни кейинги ойларида қазо қилиб тутиб бериш мумкин. Касаллик, ҳомиладорлик, эмизикли бўлиш, кексалик, ҳайз, нифос ва сафар ана шундай узрлардандир.

Дардининг оғирлашишидан ё тузалишининг кечикишидан қўрққан касал Рамазон ойида рўза тутмай, сўнг қазо қилиб беради. Ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳам рўза тутишларида ўзларига ё фарзандларига зиён борлигидан хавф этсалар, уни кейинга қолдиришлари мумкин.

Кексалик туфайли рўза тутишга ожиз чол ё камшир ҳар кунги Рамазон рўзаси учун мискинга садақан фитр миқдоридида фидя бериши лозим. Кейинчалик қувватга кириб рўза тутишга ярасалар, фидя берган бўлсалар-да, қолдирган рўзаларининг қазосини тутишлари керак.

Ҳайз ё нифосдаги аёл тоза бўлгунича рўза тутиши мумкин эмас. Тоза бўлганидан сўнг Рамазон ойида қолдирган кунларини қазо қилиб тутиб беради.

Сафардаги киши, рўза тути-

шида машаққат бўлиши ва бўлмаслигидан қатъи назар, рўза тутмаслиги мумкин. Агар сафарда рўза тутмаса, албатта, қазосини тутади.

Қолдирилган рўзалар исталса кетма-кет ё бўлиб-бўлиб тутиб берилади.

Рўзани бузувчи нарсалар

Рўзани бузувчи нарсалар уч қолдан бирида содир бўлиши мумкин.

Эрдан чиқариш ё хато қилиш оқибатида ёхуд қасдан.

Рўза тутганлиги ёдида бўлмай еб-ичиб қўйган ёки уни бузадиган бошқа амалга қўл урган кишининг рўзаси бузилмайди. Рўзадорлиги эсига тушганидан сўнг рўзани бузувчи нарсани (масалан, еб-ичишни) давом эттирмаса, бўлди. Агар давом эттирса, рўзаси бузилади ва қазо лозим бўлади.

Рўзадор хато қилса, масалан, таҳорат қилаётганида овиз чайишида сув томоғига кетиб қолса ёхуд қуёш ботмаган ҳолда ботди деган ўйда рўзани очиб қўйса, рўзаси бузилади ва

шу кун рўзасининг қазосини тутмоғи керак.


Рамазон рўзасини қасдан еб-ичиш ё жимоъ қилиб бузган кишига каффорат лозим бўлади. Рўза каффорати, тополса, бир кул озод қилишдир. Бунга ожиз бўлса кетма-кет икки ой рўза тутади. Бу муддат ичида бир кун бўлса ҳам рўзасини бузиб қўйса, янгидан икки ой рўза тутиши лозим. Бунга ярамаган киши олтмиш мискинни садақан фитр миқдоридида овқатлантириши ё уларнинг ҳар бирига унинг қийматини бериши керак.

Рўзадор баданини ёеласа, сурма қўйса, қон олдирса, ўнса, эҳтилом бўлса, тишлари орасидаги нўхатдан кичик овқат қолдиқларини ютса, қусса, мисвок ишлатса, бурнини тортса, бирор нарсанинг таъминини кўриб туфлаб ташласа, томоғига чанг, пашша ё тутун кирса, рўзаси очилмайди. Аммо ўзи тутунни сўриб ютса, ниманинг тутунни бўлишидан қатъи назар, рўзаси очилади.

Рўзадор клизма олса, қулоғига ё бурнига томизган дори қорнига ё димоғига етса, ўзини зўрлаб оғзи тўлиб қусса, оғзига ёмғир ё қор кирса, аёлини қучиб ўпганда маний чиқса, рўзаси очилади ва қазоси вожиб бўлади.

ДУО

VII



Аллоҳим! Сендан ушбу исм ва сифатларинг билан илтижо қилиб тилайман ва ёлвораман:

1. Эй хатоларни мағфират қилувчи!
2. Эй балоларни кўтаргувчи!
3. Эй умидлар ўзида ниҳояланувчи!
4. Эй эҳсонни мўл бергувчи!
5. Эй ҳадялари кенг бўлган!
6. Эй махлуқотга ризқ бергувчи!


7. Эй ўлимларга қарор бергувчи!

8. Эй шикоятларни эшитувчи!

9. Эй аскарлар юборувчи!

10. Эй асирларни бўшатгувчи!

Сен барча қусур ва нуқсон сифатлардан поксан. Сендан бошқа илоҳ йўқки, бизга мадад берса. Омонлик бер бизга, омонлик тилаймиз. Бизни жаҳаннамдан асра!



ЗИЁ МАСКАНЛАРИ

Мадрасалар қадимдан илм-маърифат ўчоқлари ҳисобланади. Ўлмас асарлари, буюк кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолар мадрасаларда таҳсил кўришган.

Ўлкамизда бунёд этилган мадрасаларнинг барчаси Шарқ меъморлик санъатининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассам этади. Улар бошқа бинолардан ажралиб туриши учун рангдор ўймакор нақшлар ва кошинлар билан безатилган. Мадрасалар уларни қурдирган кишилар ва маблағ билан таъминланишига кўра уч турга бўлиш мумкин:

1. Хон мадрасалари.

Хон, унинг оила аъзолари амалдорлари томонидан қурдирилган йирик мадрасалар.

Бундай мадрасалар асосан пойтахт шаҳарларда бунёд этилиб, уларнинг вақф мулки ва даромади катта бўлган. Шу боис бу мадрасаларда таълим оладиганлар сони кўп эди.

2. Эшон мадрасалари.

Бу мадрасалар халқдан

тушган хайр-эҳсон ҳисобига қурилган. Улар ҳам вақф мулки ва даромадига эга бўлган.

3. Хусусий мадрасалар.

Булар йирик ер эгалари, бойлар, савдогарлар ва бошқа бадавлат кишилар бошчилигида қурилган. Бундай мадрасалар савоб йўлида, яхши ном қолдириш учун ҳашар усулида тикланган.

Ўлкамизда мактаб ва мадрасалар очиб, зиё тарқатиш йўлида таъсис этилган маърифат вақфлари кенг тарқалган.

Вақф мулкининг миқдори ва ундан фойдаланиш усуллари вақфномада батафсил кўрсатилади. Вақфнома қозилар томонидан шариат қонунлари аосида ёзма равишда тузилади. Унга қози ва вақфни таъсис этувчи билан бирга бир неча нуфуз-

ли шахс гувоҳ сифатида муҳр босишади. Вақфномада мадраса ким томонидан ва қачон қурилганлиги, қаерларда, қанча мол-мулк унинг фойдасига инъом этилаётгани, вақф мулкидан фойдаланиш усуллари, даромадни мадраса аҳли ўртасида қай миқдорда тақсим қилиш лозимлиги, мадрасадаги ўқув ишлари, ўқув дастури тавсифи ҳамда кимлар мутавалли ва мударрис бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги ёзиб қолдирилади.

Алишер Навоий «Маҳбул кулуб» асарида мударрис дин илмидан аниқ масалаларни билмоғи, кўпчиликка дунёвий билимлардан таълим бермоғи, ярамасликлардан ҳазар қилмоғи, нопок одамлардан узоқ юрмоғи, ахлоққа хилоф ишлардан тийилмоғи, одамларни ёмонликлардан қайтармоғи лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Мударрисликка даъвогар шахс, аввало, шайхулисом, қозикалон, аълам, муфтий ва бошқа олиму уламолар иштирокида имтиҳондан ўтказилган. Муваффақиятли ўтганлар хон ёки амир ёрлиқлари билан мударрисликка тайинланиб, ишга юборилганлар. Баъзи мударрислар қозилик, аъламлик ёки муфтийлик вази фаларини ҳам бажаришган.

Мадрасаларда ўқув ишларини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Талабаларнинг ўқиётган китобларига ва ўзлаштириш даражаларига қараб уларни уч босқичга бўлиб ўқитиш йўлга қўйилган.

1. Адно – қуйи босқич. Унга ибтидоий мактабни тамомлаб, мадрасадаги биринчи китоб – «Аввал

илм» асаридан то «Ақоид»-гача ўрганадиган талабалар кирган.

2. Авсат – ўрта босқич. Бу босқич талабалари «Ақоид»ни тамомлаб, «Мулла Жалол»гача бўлган китобларни ўқийдилар.

3. Аъло – юқори босқич. Бунда «Мулла Жалол»дан «Матни фароиз»гача бўлган асарлар ўрганилган.

Мадрасаларда дарслик ва қўлланмалар ўқувчиларга ўша давр Шарқ мусулмон халқлари учун халқаро тил ҳисобланган араб тилида, одоб-ахлоққа оид китоблар эса форс тилида ўқитилган, туркий тилда уларга изоҳ берилган. Шу сабабли мадрасаларда таълим олаётган талабалар туркий ва форсий тилларни, айниқса араб тилини мукамал ўрганганлар.

XV асрдан XX асргача ўлкамиздаги мадрасаларда араб тили, ақида, фикҳ илмлари қаторида «Ҳисоб» номи билан арифметика, алгебра, геометрия фанлари ҳам ўқитилган. Арифметикани ўқитишда оғзаки ҳисоблашга («Ҳисоби ал-ҳаво») катта аҳамият берилган.

Хуллас, Ўрта Осиёда XV асрда пайдо бўлиб, XX асрнинг биринчи ярмигача фаолият кўрсатган мадрасалар тарихи ва таълим-тарбия тизимини ўрганиш аждодларимиз шуҳратини дунёга танитган зиё масканлари хусусидаги ҳақиқатни ойдинлаштиришга ёрдам бериши табиийдир.

Муҳаммаджон АЛИҲОЖИЕВ,

Анджон Давлат университети аспиранти

Рамазон ойида инсонларга суҳбат қилиб беришлари учун бир олис қишлоққа замонасининг шайхларидан бўлган Иброҳим Ҳаққий ҳазратлари таклиф қилиндилар. Шайхни олиб келиш учун бир ғайридин хизматчига озроқ пул ва от берилиб, хузурларига юборилди. Иброҳим Ҳаққий

навбатини шайхга беришга интилса ҳам, Иброҳим Ҳаққий ҳазратлари, «Сизнинг навбатингиздир», деб отнинг олдида юриб қишлоққа кирдилар.

Халқ бу ҳолатни кўргач: – Вой, уятсиз, ёш бўлсанг ҳам, ўзинг отга миниб, мўсафид устозни пиёда кўйдингми? Шуми садоқа-

ШАЙХ, ХИЗМАТЧИ ВА ЯХШИ ОҚИБАТ

ҳазратлари хизматчи билан йўлга чиқдилар. От битта бўлгани туфайли шайх навбатма-навбат минишни буюрдилар.

Хизматчи:

– Қишлоқдагилар эшитишса, менга озор беришадим, хизмат ҳаққимни ҳам тўлашмайди, – деб эътироз билдирди.

Шайх эса:

– Ўғлим, сўнгги нафасда ҳолимиз не бўлиши бизга номаълум. Сиз қишлоқдагиларнинг озорлашидан ҳавотирдасиз, мен эса Аллоҳ хузуридаги буюк ҳисоб кунидан кўрқаман, – дедилар.

Қарангки, қишлоққа етиб келганларида отга миниш навбати хизматчида эди. Хизматчи эҳтиром билан



тинг? Биз сени шунинг учун юбордикми? – деб хизматчини озорлашга тушди. Шайх бу ҳолга изоҳ бергач, бас қилишди. Шунда бир киши хизматчига:

– Эй инсон!

Шу қадар фазилатни кўрддинг, энди мусулмон бўларсан, – деди.

Хизматчи бир оз жим туриб, қишлоқ аҳлига шундай ибратли сўз айтди:

– Сизнинг динингизга асло кирмас-

ман. Лекин шу муборак зотнинг динига даъват этаётган бўлсангиз, унга ҳали ярим йўлдаёқ имон келтириб бўлганман.

Фатҳиддин МАНСУР

таржимаси

У кечаси билан тўлғонди. Қаттиқ бош оғриғи тун бўйи уни азоблади. У азобнинг моҳиятини таҳлил қилди: «Дўстим ёрдамга муҳтож эди. Эътибор-сиз қарадим. Тўғрироғи, ўзимни ўйладим. Шўрлик ич-ичидан оғринган. Баҳона билан қутулдим. Аммо... Оқибат Парвардигор жазо «аҳсон» қилди. Бугуннинг ўзидая. Хайрият, қиёматга қолмади. Қиёматга қолганида-чи...»

У бошининг симлаб оғригидан қутулмоқчи бўлиб, ёстиққа бурканди. «Қиёматга қолгани-

У анчагача йиғлади. Йиғлаган сайин қилган ишлари кўз олдида гавдаланаверди. Назарида бу оғриқ унга ўзини танитгандай бўлди. «Нега шу вақтгача ўйлаб кўрмаган эканман?..»

У кўзларини чирт юмганича жим қотди. Оғриқни сал унутгандай бўлди. Аммо... сал ўтмай, виждон азоби қийнай бошлади: «Хаётимда бирор марта ота-онамга эслагулик хайрли бир иш қилдимми?! Ёки кўнгилдан чиқариб чиройлироқ бир кийим олиб бердим-

гандир. Кечаси билан ухлаёлмай тўлғонаётгандир. Бечора онам. Бугун эладим. Агар шу оғриқ бўлмаганида... балким ўйламас ҳам эдимми? Қизимга бир нима бўлган, отаси, оғриб кетяман, дея отамга пичирлаётгандир. Отам эса, сиқилиб ҳовлини айланаётгандир... Она-жон, ёлғиз зулмат оғушида оғриқдан азобланаётганимни кўрсангиз... бу шаҳарни койиб-қарғаб: «Сен қизимни касал қилдинг», дея нолирдингиз. Агар ёнимда бўлганингизда ширин-чой қилиб берардингиз. Дори пичириб, Тангри таолодан шифо тилардингиз. Туни билан ухламай илтижолар қилардингиз. Мен эсам, олдимда меҳрибонларим борлигидан хотиржамланиб, ухлаб ҳам қолардим... Аммо... аммо сиз йўқсиз. Хона бўм-бўш...»

У совуқдан жушжикиб ичбаси кирди. Баданини титроқ босди. Кўрнага ўраниб олди. Барибир исимади. «Наҳот... — У «ўлим» деган сўзни айтишдан кўрқиб кетди. — ... ёлғизман?! Шаҳарда ёлғизлар кўп. Уларнинг қиёмати шумикан? Кимгадир муҳтож, кимгадир илҳақ!»

Шу пайт дўсти айтган бир воқеа ёдига тушди: «Кўшни уйда ёлғиз бир чол яшар экан. У бир неча кун ишга бормабди. Дўстлари хавотирланиб уйига келишибди. Эшигини қоқинса, ҳеч ким жавоб бермабди. Кўшнилардан сўрашган экан, «билмаймиз» дейишибди. Сўнг эшикни бузиб ичкарига киришса... уй ичи бадбўй ҳидга тўлган эмиш. Чолнинг дамқисма касали кўзгаб, бўғилиб ўлган экан.»

Кўрқинчдан аъзой бадани титраб кетди. Даҳшатли ваҳм уни эза бошлади. Кўрна қатига баттар яширинди. «Мен ҳам...» Шум хаёлларни қувмоқчидай,

ЁЛҒИЗЛИК МУЖИ



да... — дея яна ўйлай кетди. ...бундан оғирроқ бўлар эди. Дўзахнинг азоблари қандай бўларкин?! Тасаввуримга сиедиролмайман. Билганимизда... тотиб кўрганимизда... ёлғон баҳоналар тўқимас, имкон бўлатуриб, важ топмас эдикми?..»

У намиққан ёстиқни жаҳл билан улоқтириб юборди. Оғриқларни сиқиб чиқармоқчидай, кўзлари билан бошини қаттиқ сиқди. Муштлаб ҳам кўрди. Аммо оғриқ баттар кучайди. Чидаслмай йиғлаб юборди: «Эй Худойим, ўзинг кечир... Тавба қилдим... Чидаслмаян-мааян...»

ми?! Нега жим бўлиб қолдим? Бу саволларга жавоб йўқлигидан соқовга айландимми ё?!»

У чуқур хўрсинди: «Оҳ, кошки ухласаму ҳаммасини унутсам...» Ўрнидан туриб, соатга қаради. Тунги бир бўлибди. «Ҳали тонга узоқ... — дея пичирлади. — Бугун тонгининг узоқлигини сездим. Ҳайҳот, биз одамлар дунёда ҳали кўп нарсани сезмай яшаймиз...»

У бошини рўмол билан қаттиқ боғлади. Дори ичди. Қайтага уйқуси қочиб, айвонга чиқди. Ташқарини кузатди. Ҳаммаёқ жимжит. Унинг хаёли қишлоққа кетди: «Онам оғриёт-

бошини сарак-сарак қилиб силкитар эди. «Дўсти ҳам оғриб кўрган. Унинг ўрнида ўзини тасаввур қилгану... титраган. Ҳа, у ҳам ёлғиз...»

* * *

Телефоннинг қаттиқ жиринглаши уни уйғотиб юборди. Шошиб ўрнидан турди-да, гўшакни кўтарди:

— Лаббай! Ким бу?

— Қизим, мен...

У таниш овозни эшитдию кўзларидан ёш қуюлиб келди.

— ...

— Ало... Ало, қизим, эшитяпсанми? Нега жимсан? Мени танияпсанми? Онангман.

— Танидим... — У бир ютинди-да, давом этди: — Она-а-а... Тузук-ми-си-из...

— Тузукман. Йиғлаяпсанми? Соғлининг яхшими? Бирор нарса бўлдими? Кечқурун билан ухлабмадим. Безовталандим. Бирор жойинг оғридими?

У сўроқларга жавоб беролмай унсиз йиғлар эди.

— Йиғлаётгандайсан... нега?

— Йў-ў-қ-қ... Йиғлаётганим йўқ. Фақат... фақат сизларни жуда-жуда соғиндим... Балким шунга безовта бўлгандирсиз...

— Ҳа, балким. Қишлоққа қачон қайтасан? Ҳаммамиз соғиндик. Билмадим, қизим, сенга ўша шовқин шаҳарнинг нимаси ёқади?... Хайр, қизим, бўлмаса... Вақт тугади, дейишяпти.

— Ха-а-й-р-р...

У шу сўзнигина зўрға пичирлади. Гўшакни секин ўрнига қўйди.

«Ҳа, вақт тугади... ёлғизлик туни ҳам... азоблар ҳам, онажон...» дедию деразага қаради.

Кун ёришиб кетган, қуёш заррин нурларини атрофга таратаётган эди.

РАЙҲОНА

ОГОҲЛАНТИРИШ

Институтни битиргач, йўл назоратчиси бўлиб ишга кирдим. Юзлари нуруний ота-онамнинг солиҳ муҳитидан узоқлашиб, кўшни шаҳарда ишлай бошладим.

Вазифам шаҳар атрофидаги туманлар тинчлигини таъминлаш, йўлларни текшириш ва йўловчиларга ёрдам кўрсатиш эди. Ишимдан нолимай, ҳаётимдан мамнун яшардим. Вазифамни ихлос билан астойдил адо этардим. Кунларим деярли бир хил ўтарди; ҳар куни такрорланадиган манзаралар, турли ҳодисалар ва жароҳатланишлар...

Лекин бир кун бошқа кунлардан фарқли ўлароқ эсда қоларли бўлди. Одатдагидек иш пайти шеригим билан йўл четида гаплашиб турган эдик. Тўсатдан икки машинанинг кучли тўқнашув овозини эшитдик. Жароҳатланганларни кутқариш учун дарров ўша жойга етиб бордик. Ҳолатни сўз билан тавсифлаб бўлмайди. Машина ичида аянчли ҳолда икки киши ётибди. Уларни машинадан чиқариб олиб, замбилга ётқиздик. Иккинчи машинадаги кишилар ҳаётдан кўз юмган экан. Аммо бу иккиси ҳам жон берар ҳолатда эди. Шеригим улар тепасида калимаи шаҳодатни такрорлай бошлади: «Ла илаҳа иллаллоҳ...» деб айтинг... «Ла илаҳа иллаллоҳ» денг.

Лекин улар қандайдир қўшиқни хиргойи қиларди. Шеригим тўхтамасдан калимаи шаҳодатни такрорлаб тураверди, у иккиси қўшиқда давом этаверди. Фойдаси бўлмади. Қўшиқ овози аста-секин пасая бошлади... сўнг сўнди, ҳаракатсизлик. Улар дунёдан узилдилар.

Икковларини машинага солдик... шеригимнинг ранги ўчиб кетган эди. Озгина давом этган оғир сукунатни

унинг қалдиरोқ овози бузди: — Инсон ҳаётининг охири қандай тугаши унинг амалига боғлиқ...

Шунингдек, у менга исломий китоблардан кўпгина ибратли қиссаларни айтиб берди.

Ўлимдан кўрқдим, бўлган ҳодисадан жуда ҳам таъсирландим... Шу куни истиффор намозини ўқидим. Вақт ўтиши билан аста-секин бу фожеани унута бошладим. Олдинги гафлат ҳолатимга қайта бошладим. Ўша фожиали воқеадан олти-етти ой ўтгач, яна бир ҳодиса рўй берди. Ерости йўлида машинаси бузилиб қолган бир одам зарур асбоб-ускуна олиш учун орқа томонга ўтади. Шунда издан келаётган машина тасодифан уни уриб юборади. Жароҳатланади. Бориб, уни кўтариб машинага солдик ва касалхонага шошилдик. Ўрта ёшлардаги йигит. У нималарнидир фингилларди. Аммо нима деяётганини тушуна олмадик. Машинада кетаётганимизда товуш тиниқлашди. У майин овоз билан Қуръон ўқирди... Субҳаналлоҳ, жароҳатланган одам, кийимлари билан қонга беланган, суяклари синган, ўлим ёқасида тургани шундай кўриниб турибди...

Ҳаётимда бундай қироатни эшитмаган эдим. Мен калимаи шаҳодатни талқин қилмоқчи бўлдим. Бу майин овозни эшитиш учун шеригим менга жим туришни буюрди. Қарасам, шу пайт овоз бир оз ўзгарди; у кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариб калимаи шаҳодатни айтмоқда эди. Сўнг унинг боши бир тарафга қийшайди. Юраги, нафас олиши тўхтади, узилди.

Беихтиёр кўзларимдан ёш қуюлди.

Аъзам ҚАМБАРОВ



Усмонхон АЛИМОВ 1950 йили Иштихон тумани Орлот қишлоғида таваллуд топган. Дастлаб Бухородаги Мир Араб мадрасасида, сўнгра Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом олий маъҳадида таҳсил олган. 1980 йилдан Челақ тумани Хартанг қишлоғидаги Имом Бухорий жомеъ масжидининг имом-хатиби, 2000 йилдан бошлаб, ЎзМининг Самарқанд вилоятидаги бош вакили вазифаларида ишлаб келмоқда.

– Домла, суҳбатимиз авалида истиқлол йиллари Самарқанд вилоятида Ислом дини равнақи йўлида, мусулмон халқимизнинг диний эҳтиёжларини ҳартомонлама қондириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсак.

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Дарҳақиқат, диний ҳаётда мустақилликнинг ўтган ўн йили мобайнида вилоятимизда анча-мунча ишлар қилинди. Собиқ совет даврида жомеъ масжидларимиз жуда кўп бўлса, ҳар туманда бир ёки иккитадан бор эди, холос. Бугун эса, вилоятимиз бўйича расмий рўйхатдан ўтган 278 та масжид ишлаб турибди. Барча масжидлар бинолари қониқарли аҳволда. Уларнинг аксарияти жомеъ масжидларидир. Шу ўринда кейинги йиллари қурилган масжидлардан айримларини са-

ФИҚҲИЙ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд

наб ўтсам: Челақ туманидаги «Имом Бухорий» масжид-мадраса мажмуи, Сиёб туманидаги Қўштамғали жомеъ масжиди, Иштихон туманидаги Муҳожирлар масжиди, Ургут туманида қуриб битказилган Ҳожи Насрулло жомеъ масжиди ва ҳоказо. Бу саноқни яна давом эттириш мумкин.

Энг муҳими, бугун ушбу масжидларда мусулмон халқимиз ибодатларни аҳил-иноқ, эмин-эркин адо этмоқда.

Шунингдек, истиқлол йиллари улғ аллома боболаримиздан Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Дорамий кабиларнинг қадамжолари ободонлаштирилиб, уларнинг асарлари чуқур ўрганилаётгани, кенг тарғиб этилаётгани ҳам бизни беҳад қувонтиради. Айни кунда ҳам вилоятимиз ҳудудидаги ана шундай кўплаб қадамжоларда қайта таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

– Мулла бўлсанг такрор қил, деган ҳикматли нақл бор. Биласизки, илм эгаллаш мунтазам мутолаани, доимий машғулот-изланишларни тақозо қилади. Вилоят масжидлари имом-хатибларининг билим савияси, малака-тажрибалари бугунги кун талабаларига жавоб берадими? Уларни ўқитиш, малакаларини ошириш масалалари қандай ҳал этилмоқда?

– Имом-хатибларимизнинг барчаси олий ва ўрта исломий маълумотга эга бўлган мутахассислардир. Кўпроқ ёш, серғайрат, изланувчан ходимларни имом-хатибликка тортмоқдамиз. Фақат чекка туманлардаги маҳалла масжидларига бундай ёшларни жалб этиш қийинчроқ кечаётир.

Вилоятимизда имом-хатибларнинг икки ҳафталик ўқувлари мунтазам ўтказилиб турибди. Охирги марта ўтган ўқувларда Президент девони, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича кўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси мутахассисларининг долзарб мавзулардаги маърузалари тингланди, муҳокама этилди.

Бундан ташқари, шу йилдан бошлаб имом-хатибларнинг «Истиқлол менинг тақдиримда» кўрик-танловини ҳам ўтказмоқдамиз.

Октябр, ноябр ойларида кўрик-танловнинг туманлар ҳамда вилоят босқичлари яқунланди. Учта совринли ўрин ажратилган бўлиб, биринчи ўрин соҳиби кўрикнинг республика босқичида қатнашиш имконини қўлга киритди.

– Кўрик-танловда асосий эътибор имом-хатибларнинг қандай фазилатларига қаратилди?

– Энг аввало, имом-хатибларнинг қироатиға, Қуръони каримни тажвид қоидалари билан чиройли ўқишиға, фикҳға оид билимларига, кейин эса, замонавий турмушимизға муносабати, туғилган турли муаммоларни ҳал эта олиш қобилиятиға, ахлоқ-одобига алоҳида аҳамият берилди. Жума мавъизалари видеотасвирларға ёзилиб, тингланди. Хуллас имом-хатибларнинг барча фазилатлари атрофлича баҳоланди. Ҳатто уларнинг бўй-басти, хатти-ҳаракатлари одамлар орасида ўзини қандай тутиши ҳам назардан четда қолгани йўқ.

Вилоятимиз бўйича Булуғур туманидаги «Килдон» жомеъ масжидининг имом-хатиби Тўлқин Равшанов биринчи ўрин-

КЕНГРОҚ ЁРИТИЛСА

вилоятидаги Бош вакили Усмонхон АЛИМОВ билан суҳбат

ни эгаллади. Мир Араб мадрасасида таҳсил олган бу вакилимиз кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиб, учинчи ўрин соҳиби бўлди.

– Бундан икки-уч йилча муқаддам Тайлоқ туманидаги масжидлардан бирида жума намозини ўқиган эдим. Шунда одамларнинг жума намозидан сўнг «эхтиёти пешин» ва яна аллақандай номдаги намозларни ўқишаётганини кўрган эдим. Қайтаётганда бир кишидан сўрасам, қаердандир бир домла меҳмон бўлиб келгани, жумага кўшиб шундай ибодатларни адо этиш кераклигини тайинлаб кетганини айтди. Назаримда одамлар жума намозини ўзларига бир оз қийинлаштириб олган эдилар...

– Тўғри эсладингиз. Маълум даврда айрим масжидларда шундай ҳол кузатилган. Кейинги икки йил ичида биз тушунтириш ишларини қайта жонлантириб, эҳтиёти пешин ва бошқа фарзу суннатга мувофиқ бўлмаган ибодат кўришларини бартараф этдик. Аммо айрим қишлоқларда кекса намозхонларимиз борки, шу нарсага «ўрганиб» қолишган. Ўқишмаса, кўнгиллари жойига тушмайди. Уйига бориб бўлса ҳам «эхтиёти пешин» ўқиб олади. Бундай вазиятда биз ҳам жуда эҳтиёт бўлиб иш кўришимиз, отахонларимизнинг дилини ранжитиб қўймаслигимиз керак.

– Домла, умуман, ана шундай фикрлий масалаларни барча масжидларда бир хил – оят ва ҳадисга кўра тўғри ҳал этишни таъминлаш борасида қандай йўл тутган маъқул бўлади?

– Бу борада вилоятимизда

ўзига хос бир тажрибани синая кўрмоқдамиз. Яъни, имомхатибларнинг ҳар ойда бўладиган йиғилишларини ҳар ойда ҳар туманда, ҳар гал бошқа-бошқа масжидларда ўтказяпмиз. Масжид жамоаси бунга бир ой тайёргарлик кўради. Таъмирлаш, ободончилик ишлари амалга оширилади. Энг муҳими, ҳар мажлисда имомхатиблар маълум бир фикрлий

анча кўп. Ўзингиз ҳам журнални ўқиб борасиз, албатта. Журналда кўтарилаётган мавзулар, рукнлар борасидаги фикрларингиз, таклиф-истакларингизни айтиб ўтсангиз.

– «Ҳидоят» журналинини барча мўмин-мусулмонлар сезиб ўқишяпти. Шунинг учун биз бу журналга обуна ишларини йил давомида ҳеч тўхтатмаймиз. Ҳар бир мажлисда шу масала албатта ўртага қўйилади. Куни кеча Нуробод туманига бордик. Туман масжидлари жамоалари аллақачон обуна бўлиб қўйишган экан.

Журналнинг мазмун-мунда-



масалани ҳар томонлама муҳокама қиладилар, баҳслар, фикрлашувлардан сўнг бир қарорга келинади. Шу йўсинда бир мазмунли саволга бутун вилоят масжидларида бир хил жавоб берилишига эри-шиляпти. Уламолар ҳайъати ва имомхатибларнинг ўзара аҳил-ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Вилоят ҳокимлиги кўпгина масалаларда бизга яқиндан ёрдам кўрсатиб турибди.

– Охирги саволим. «Ҳидоят» журналининг обуначилари бошқа жойларга қараганда Самарқанд вилоятида

рижаси, мавзу ва рукнларининг ранг-баранглиги бизга жуда ёқади. Шу боисдан келгуси йил учун обунани яна ҳам кўпайтирмоқчимиз. Бир таклиф-истагим шуки, журнал саҳифаларида фикрлий масалаларга оид мақолаларни тез-тез ўқиб тургимиз келади. Фурсатдан фойдаланиб, журнал ходимларини, ўқувчиларини, барча мўмин-мусулмонларни Рамазон ҳайити билан чин дилдан муборакбод этаман.

Абдул ЖАЛИЛ

ёзиб олди.



Маккаи мукаррамада қорилар мусобақаси

Маккада Қуръони карим бўйича ҳофизлар ўртасида уюштирилган йиллик 24-Халқаро кўрик поёнига етди. Унда дунёнинг 162 мамлакатидан 172 ҳофиз қатнашди. Кўрик 19 октябрдан 28 октябргача давом этди.

Бу обрўли мусобақа натижаларига кўра, биринчи ўрин мисрлик қори Анвар ал-Шаҳат Муҳаммад Анварга насиб этди. Иккинчи ўринни эса, Қуръони каримнинг ўн порасини ўқиган Эрон вакили Али Ражабий эгаллади.

Кўрик тугаганидан кейин унинг иштирокчилари Мадинаи мунавварага бориб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидлари ва бошқа Ислом тарихига алоқадор жойларни зиёрат этишди. Яна улар босмаҳонада Қуръони каримни чоп этишнинг барча жараёнларини кузатишди ва аудио кассета, компакт дискларга ёзиш ишларини ўз кўзлари билан кўришди, деб хабар беради Халқаро Ислом янгиликлари агентлиги.

Немис мактабларида исломий машғулотлар

Халқаро Ислом янгиликлари агентлигининг хабар беришича, Германиянинг баъзи умумтаълим мактабларида бу йилдан Ислом дини бўйича машғулотлар ўтказилади.

Шу муносабат билан Германиянинг собиқ меҳнат вазири, Либерал партия вакили Сабина Шнайдер, бу воқеалар Германия муслмонлари ҳаётида янги давр бошланганини кўрсатади, деди.

Матбуот конференсида Шнайдер хоним жумладан, яна шундай деди: «Ушбу тартиблар ҳозирданоқ Берлиндаги икки мактабда жорий қилинди. Мазкур янгилик маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади ва немис халқининг Ислом билан яхшироқ танишувига ёрдам беради».

Аргентиналик муслмонларга туҳфа

Аргентинада Лотин Амриқоси бўйича энг катта масжид очилди. Масжид қурилишига 22 милён доллар сарфланди. Бу маблағни 20 миллиард долларли ҳолат соҳиби Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдулазиз дунё бўйича 200 Ислом маркази ва 1500 масжид қуриш ва таъмирлаш учун таъсис этган жамғармасидан ажратди. Узунлиги 50 метрли ушбу масжид 1500 кишини бемалол сиғдиради. Масжид қурилиши учун жойни суриялик муҳожирларнинг авлодидан бўлмиш Аргентинанинг собиқ президенти Менем ажратиб берган эди. Менем ўзи католизмга эътиқод қилишига қарамай, муслмон ватандошлари олдида қарздорлик ҳиссини туярди доим.

Қуръон ёнмади

Довистон Республикасининг Ахвах тумани Ингердах қишлоғида бир фавқуллода ҳодиса рўй берди: Абдулҳамидов Тағирнинг уйига ўт кетганида уйдаги ашёлар буткул ёнгани ҳолда, деворда осивлиқ Қуръонга олов тили тегмади. Ёнғиннинг кучи қанчалик катта бўлганини Қуръон қаршисида илинган кийимнинг кулга айлангани ҳам айтиб турарди. Қодир Аллоҳ баъзан бизга шундай ибратларини ҳам кўрсатиб қўяди.

Янги исломий газета

Ингушетия мусулмонлари идораси республикадаги биринчи исломий газета “Иттиҳад” ни чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Диний идорадан хабар беришларича, газетанинг биринчи сони минг нусхада чоп этилади. Кейинчалик тираж оширилиши назарда тутилган.

Газета Ингушетиядаги, шунингдек, бутун Шимолий Қофқоз ва Русиядаги мусулмонлар ҳаётидан ҳикоя қилади. Бундан ташқари, Ингушетиядаги диний таълим муаммоларини ёритиш ва аҳолининг барча табақалари орасида исломий билимларни тарқатиш ҳам режалаштирилган.

Машҳур олимга мукофот

MENO агентлигининг хабар беришича, шу кунларда “Қуръони карим билимлари бўйича мукофот топириш Дубай ташкилий қўмитаси” 2001 йил машҳур мусулмон шахсияти номини эълон қилади.

Йиллик миқдори бир милён доллар бўлган мукофотни Ислом билимларини ривожлантириш ва мусулмонлар ўртасида ёйишга катта ҳисса қўшган мусулмон олимга берилади. Бунга қўшимча равишда Рамазон ойининг йигирма кунини давомида Қуръони карим ҳофиз ва билимдонлари ўртасида халқаро мусобақа ўтказилади. Бу мусобақада бутун дунёдан барча мусулмонлар иштирок этишлари мумкин.

Қоҳирада Ислом-Христиан мулоқоти

Қоҳирада Ислом-христиан мулоқоти бўйича Халқаро йигин иштини яқунлади. Унинг иштини Исломга даъват Жаҳон Ислом Кенгашининг котиби, «Ал-Азҳар» университетининг бош имоми, шайх Муҳаммад Саййид Тантовий бошқарди.

Ушбу Халқаро йигинда турли Ислом ва христиан ташкилотларидан вакиллар қатнашдилар. Улар Нью-Йорк ва Вашингтонда уюштирилган ва ҳар қандай кўринишдаги қўпоровчилик ҳаракатлари диний қадриятларга ҳам, халқаро меъёрларга ҳам тўғри келмаслигини таъкидлайди.

Йигин қатнашчилари, шунингдек, жаҳон халқларининг ўз-ўзини ҳимоя қилишдаги давлатлар мустақиллиги ва босиб олинган ерларни озод қилишдаги ҳуқуқларини эътироф этишди.



Интернет
материаллари асосида
Мубашшир АХМАД
тайёрлади

Дуо



VIII

Аллоҳим! Сендан ушбу исм ва сифатларинг билан илтижо қилиб тилайман ва ёлвораман:

1. Эй ҳамд ва сано соҳиби!
2. Эй шараф ва улуғлик соҳиби!
3. Эй фахр ва баҳо соҳиби!
4. Эй аҳд ва вафо соҳиби!
5. Эй афу ва ризо соҳиби!
6. Эй яхшилик ва узр соҳиби!
7. Эй кескин сўз ва ҳукм соҳиби!

8. Эй иззат ва сўнгсизлик соҳиби!
9. Эй саховат ва неъматлар соҳиби!

10. Эй миннатсиз яхшилик ва яширин неъматлар соҳиби!

Сен барча қусур ва нуқсон сифатлардан поксан. Сендан бошқа илоҳ йўқки, бизга мадад берса. Омонлик бер бизга, омонлик тилаймиз. Бизни жаҳаннамдан асра!

Аҳмаджон ИБРОҲИМОВ

Ҳазрати Билол (р.а.)

муҳаббат

Билол бир ҳабаший қул эди,
 Эркисизлик буйнида гул эди.
 Меҳнатда ўтарди кунлари,
 Фурбатда кечарди тунлари.
 Турмушда ҳаловат йўқ эди,
 Бирда оч, бирда-чи, тўқ эди.
 Хожаси қутуриб ит каби,
 Қул қонин сўраркан бит каби,
 Барига индамай чидарди,
 Иқболда нимадир кутарди.
 Бир ўтли муҳаббат дилида,
 Ҳақ зикри доимо тилида.
 «Аллоҳ» деб йиғлади, ёлборди.
 Фақат бир Аллоҳга дил ёрди.
 Тилади илоҳий ишқ болин
 Ва кўрмак Муҳаммад висолин.

* * *

Ҳар кимдан Расулни сўроқлаб,
 Дилда ишқ дафтарин варақлаб.
 Топди-ку охири керагин,
 Суюкли Пайғамбар дарагин.
 Шу кундан шамолдай еларди,
 Хожага билдирмай келарди.
 Келарди Маккага, дилрабо —
 Юракда Пайғамбар ишқи жо.

* * *

Хожанинг юраги тор эди,
 Кўзи тош, сўзлари қор эди.
 Эшитса Пайғамбар исмини,
 Ўт-оташ тутиб бор жисмини,
 Фазабдан тутоқиб ёнарди,
 Инсоний хислатдан тонарди.


* * *

Хожаю Азозил бир бўлди,
 Кўнглидай нияти кир бўлди.
 Авж олиб танида талваса,
 Қўзғолди шайтоний васваса.

Билолни ёнига чақирди,
 Илондай тўлғонди, бақирди:
 «Бугундан Маккага бормаёсан,
 Ҳеч ерда, ҳеч қачон олмайсан
 «Муҳаммад» номини тилингга,
 Тилингмас, ҳаттоки дилингга!»

Билол:

«Муҳаммад — кўзимнинг қароғи,
 Муҳаммад — қалбимнинг ардоғи.
 Тилимни қила қол минг тилим,
 Муҳаммад ишқидан чўғ дилим.
 Расулга келтирдим мен имон,
 Фидодир унга бу танда жон».



* * *

Бу сўздан титради хожа ҳам,
 Ёнида Азозил дўст — ҳамдам.
 Чақирди қулларин атрофдан,
 — Тингланг, — дер, — фармоним шу топдан:
 Ётқизинг бу бахти қарони,
 Қўллангиз энг оғир жазони —
 Бостиринг устига зилдай тош,
 Ачинманг кўзидан оқса ёш».
 Шундан сўнг қоядай ваҳшийлар,
 Инсофсиз, имонсиз даҳрийлар,
 Зўр бериб Билолни урдилар,
 Устига оғир тош сурдилар.
 Кун ботди, тонг отди шундайин,
 Раҳм этмас золимлар жиндайин.
 Бардоши тугамас ҳафталаб,
 Куйса ҳам, қолса ҳам ташналаб.
 «Муҳаммад», «Муҳаммад» айтгани,
 Ҳеч кўнмас бу сўздан қайтгани.
 Ошиқлик аслида дард бўлар,
 Чин ошиқ бу йўлда мард бўлар.
 Ёйилди бу мардлик хабари,
 Ҳар дилда муҳаббат асари.
 Қўшиқдай қалбларни қамради,
 Маккаю Каъбада янгради.
 «Борингиз, — дедилар Мустафо, —
 Бас, етар, тортмасин у жафо.
 Қуликдан қутқаринг Билолни,
 Тиклангиз исломий ҳилолни.

* * *

Хожанинг бир дарди бор эди,
Очкўзу бойликка зор эди.
Эшитгач зар-дунё дарагин,
Ховлиқиб, ушлабон юрагин,
Рақс тушиб нафсининг ториға,
Боқмас ҳеч Иблисининг зорига,
Билолнинг занжирин ечди у.
Яна ўз йўлида кечди у.

* * *

Васлин кўрмай, муштоқ бўлиб Ҳазрат Билол
«Ё Муҳаммад» деб тилидан томарди бол.
Ушбу ҳолдан саҳобалар ҳайрону лол,
Бундай иқбол рўзи насиб бўлгон экан.
Шаҳид бўлгач, Мустафонинг жангда тиши,
«Ё Расул», деб наъра тортиб бу мард киши
Жанг қиларди бошда минг хил ўй-ташвиши,
Дил хумига ишқ шароби тўлгон экан.
Билол ишқи дилдан дилга учган ўқдир,
Бу оламда унинг асло тенги йўқдир,
Чунки қалбин тубидаги лағча чўғдир,
Чўғда ёниб жону тани куйгон экан.
«Муҳаммад» деб ҳабаш Билол Ҳаққа етди,
Кўз ёшини жола қилиб азон айтди,
Жўшиб Аҳмад унинг ишқин баён этди,
Шоир аҳли ошиқларни суйгон экан.

* * *

Ҳақ йўлида жонин тиккан бир кул эди,
Расулга чин шайдо бўлган булбул эди,
Нола қилиб жисму жони кул-кул эди,
Муҳаббатли, шижоатли Ҳазрат Билол.
Мустафонинг назарида улуғ эди,
Сийратию ботини ҳам ёруғ эди,
Ичу таши ихлос ила тўлуғ эди,
Тиловатли, салаватли Ҳазрат Билол.
Кофирлардан ҳайиқмади, азон айтди,
Мусулмонлар бирлашинг, деб ҳар он айтди,
Мухлис Аҳмад такрорлади, чунон айтди,
Адолатли, далолатли Ҳазрат Билол

1994 йил, Рамазон



Кўи ҳолларда ўз ишининг устаси бўлган кишиларни мақтаганда ҳам, товламачи, фирибгарларни қоралаганда ҳам “Фалончи бу ишнинг ҳадисини олган” деб таъриф берилади.

Ҳамкасбларимиздан бири танқидий мақола-сида худди шундай ёзбди. Идорасига бориб,

Дарҳақиқат, барча катта-кичик масалаларда — шаҳодат, ибодат, тижорат, саёҳат, ҳатто хожат борасида ҳам ҳадислар бор. Уларга амал қилиш бу дунёда янашши осон қилганидек, охираддаги савол-жавобни ҳам енгил қилади. Ишоятлар хусусида ҳам ҳадислар мавжудки, унинг тўғри-

НИМАНИНГ ҲАДИСИНИ ОЛГАНСИЗ?

мазкур иборани шахсан у қандай тушунишни сўрадим.

— Йуда устамон бўлиб кетган-да. Билмаган, қилмаган иши йўқ. Нихини ёрган туллак. Шу нарсани таъкидлаш учун ишлатувдим, — дея изох берди у.

Мен ҳам кўнглимдагини унга айтдим.

— «Ҳадисини олган» дегани «бу борада Пайгамбар алайҳиссаломнинг кўрсатмаларига амал қилган» демакдир. У зотнинг фирибгарлик хусусида таълим берганларига ҳеч бир мўмин ишонмайди. Наҳотки сиз шу фикрдасиз?

Ҳамкасбим жуда ҳижолат чекди. Бундай ёмон фикр етти ухлаб тушига кирмаганини куйиб-нишиб тушунтира кетди. Мен унинг самимиятига ишондим.

лигига ишонган, яъни ҳадисини олганлар ундай ишлардан ҳазар қиладилар. Демак, гуноҳкорни қоралаганда юқоридаги иборани қўллаш ножозидир.

Кетишга чоғланганимни кўриб:

— Атайлаб шуни айтишга келганмидингиз? — дея таажжубланди ҳамкасбим.

— Албатта, — жавоб бердим мен. — «Мўмин-мўминга ойна» ахир. Ўзингизга айтсам, сиз қабул этсангиз, яхши бўлади. Биргаланиб шу ишнинг ҳадисини олайлик деб ўйлаган эдим.

У менинг ҳаққимга дуо қилди. Мўминлик ҳадисини олган биродаримнинг ҳузуридан хуш кайфиятда чиқдим.

**Низомиддин
ЛАТИФ**

МАҚТАЛГАН СИФАТЛАР

Илмли киши билан илмсиз баробар бўлмаганидек, кучли инсон билан заиф одам ҳам ҳеч қачон тенг бўла олмайди. Бу ҳақда Абу Хурайра розиаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом шундай марҳамат қилдилар:

«Кучли мўмин заиф мўминдан Аллоҳга яхшироқ ва севимлироқдир. Албатта, уларнинг ҳар бирида яхшилик мужассам. Фойдали ишларга астойдил кириш, ёрдамни ёлғиз Аллоҳдан сўра. Дангасалик, лоқайдлик қилма. Агар сенга бирор мусибат етса, «Ундоқ қилсам, бундоқ бўларди», дема. Бунинг ўрнига, «Аллоҳнинг тақдири экан, у хоҳлаганини қилади», дегин. Ҳадеб «агар-агар» деяверсанг, шайтон васвасасига йўл очган бўласан».

«Кучли мўмин» дейилганда ҳам жисмоний, ҳам имон-этиқод, ҳам моддий жиҳатлардан бақувват киши назарда тутилган. Зеро, жисмонан бақувват киши элнинг оғирини енгил қилиб, уни душманлардан ҳимоя қилади. Имон-этиқоди кучли киши эса, шариат аҳкомларини тўғри бажаришга, Аллоҳ ва Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) кўрсатмаларини тўла адо этишга ҳаракат қилади. Бой мўмин эса, қўлидаги мол-дунёларни шариат буюрган жойларга сарфлаш, етим-есир, камбағал-муҳтожларнинг кўнглини олиш пайида бўлади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг кучли мўмин Аллоҳ таолога маҳбуброқ, деб марҳамат қилганлари шундан.

Баъзан мўлжаллаган хайрли ишларимиз ҳам бошга тушган турли мусибат сабабли амалга ошмай қолади. Шунда биз мусибатни Аллоҳдан кўрмай, турли сабаб ва баҳоналар излай бошлаймиз, айбдорларни қидирамиз ва ундай қилмай, мана бундай қилсам бўлар экан, деймиз. Кўпинча ўша мусибат Аллоҳ томонидан бандаларини синаш учун юборилганлигини назардан қочирамиз. Ҳақиқий мусулмон киши бунақа пайтда хоҳиш-иродаси ила етган мусибатга сабр

қилмоғи лозим бўлади. Мусибат етиши билан қилинган сабр ҳақиқий сабр ҳисобланади. Оҳ-воҳ чекиб, йиғлаб-сиқтаб, иложсизликдан қилинган сабр сабр эмас. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилган:

وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ
وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشِّرِ الصَّابِرِينَ
الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمُ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ

«Албатта, сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор усибат келганида: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зот ҳузурига қайтгувчилармиз», дейдиган собирларга хуш-хабар беринг (эй Мухаммад)» (Бақара, 155-156-оятлар маъноси). Кўриниб турганидек, мусибатлар бир имтиҳон бўлиб, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир.

Шайтон душманимиз, пиёла синса ёки чой тўкилса ҳам, бизларнинг кўнглимизни олиб қочади, жаҳолат ва жазавани восита этиб, асаб торларини чертади, муҳитни бузишга ҳаракат қилади. Унинг васваса йўллари жуда хилма-хил. Аллоҳ асрасин.

Кучли мўминнинг одамлар билан муомаласи яхшиликка асосланган бўлади. Бордию одамлар унга ёмонлик қилсалар ҳам ёмонликларидан сақланишга ҳаракат қилади, ўзи уларга ёмонлик билан жавоб қайтармайди.

Аллоҳим, ҳар бир ишимизда нажот берса, ихтиёр ўзида ва лиллаҳил ҳамд. Бирон ишимиз амалга ошмаса, яна ихтиёр ўзида ва бу ҳикматни Ўз билгувчи.

Яхшилик қилиш имоннинг мевасидир, мўмин дангаса ва лоқайд бўлиши мумкин эмас. Ўтган ишларга афсусланавериш эса, шайтон васвасасига йўл очиш билан баробардир.

Абдул Мутталиб ДЎСТҚУЛ ўғли,

Зомин тумани имом-хатиби

Уйқудан кўз очдим. Орта саҳар экан... Тонг ҳали ёринмаган. Биринчи фикр: «Туриш керак», кейинги фикр: «Чўмилиш керак». Ундан кейин: «Озгина ухлай, бомдод намозининг вақти нешингача-ку, ўқиволаман». «Йў-ў-ўқ, туриш керак». Турдим. Қарасам, гиламда, хопанинг ўртасида Гулноза қизим бошини эгиб чордана қуриб ўтирибди. Менга қарамасдан, полга қараб: «Ванна банд, онамлар бор», деди. Ётиб турай дедим. Бир қанча вақт ўтдим, миямга ҳар хил фикрлар келанти, уни қилиш керак, буни қилиш керак. Бирдан: «Эрталаб азонда қизим нима қилиб ўтирибди» деб ўйладим. Кўзимни очиб, шартта туриб кетдим. Гилам устида ҳам, ваннада ҳам ҳеч ким йўқ, умр йўлдошим ҳам ухлаб ётишибди. Кўрдим, овозини ҳам эшитдим-ку. Миямга «ШАЙТОН» деган сўз келди. Қаттиқ кўрқиб кетдим. «Ла илаҳа иллаллоҳ, Ла илаҳа иллаллоҳ, Ла илаҳа иллаллоҳ» деб чан томонга, орқага туфлаб ваннага кирдим. Чўмилишману кўрқувдан қалтираринман. Чиқиб тезда намозимни ўқиб олдим. Уйвонганимда «шайтонни лани» мени қайтадан ухла-

ШАЙТОН ҲИЙЛАЛАРИ

тиб ўйини учун қизимнинг қиёфасига кирибди. Намозим қазо бўлишига оз қолди. Бу ҳийланинг таъсири ўтмаганига сабаб фарз намозидан кейин ўқийдиганим «Роббана ла тузий қулубана...» дуоси эканига аминман.



Бир куни яна шунга ўхшаш воқеа юз берди. Қиш эди. Кимдир елкамдан тургандек бўлди. Уйвониб кетдим. Бомдодни соғатга қарамасдан, фақат тонг ёришганини кўриб ўқийман. Қарасам, осмон юлдузларга тўла. Шунчақа тишиқ, сокин, маҳлиё бўлиб қолдим. «Ҳали вақт бор экан, нега уйвондим. Яна бемалол ухласам бўлади», деб ўйладим. Уйқуни давом эттирмоқчи бўлдим... Бирдан... ҳозир қиш бўлса, ҳамма ёқда қор. Осмон печа кундан бери булутли деган фикр келди. Юлдузларни эса аниқ кўрдим-ку. Тавба-а. Дарров кўзимни очдим. Қайфиягим бузилиб кетди. Чунки тонг ёришиб кетган, бомдод вақти туганига оз қолган эди. Буни қаранг, фаришталар мени бомдод намозига уйвотишса (алҳамдулиллаҳ), шайтон қайтадан ухлатинига кучи етмай, менга осмонни юлдузли теча қилиб кўрсатиб, ҳали бемалол ухлайвер, деб алдамоқчи бўлибди.

Шайтоннинг ҳийлалари минг хил. Алдаб қўймаслиги учун каллимаи тойийба, тааввузни кўпроқ ўқиб юрсак, ёрдам бериши аниқ.

Маъруф МУСЛИМ

Насихат

СЎРАГАНИНГИЗГА ЕТАСИЗ

Аллоҳ таоло нимани сўрасангиз шунини бериши муқаррар. Буни ўзим дуч келган баъзи воқеалар мисолида баён этмоқчиман. Бизга яқин турадиган бир қарибдошимиз невараси унга иш буюришидан шикоят қилиб, сўзлаганларида, мен улардан «Сиз дуоингизда, Аллоҳдан нималарни сўрайсиз», десам, «Болаларимнинг хизматини қилиб юрай, тани жоним соғ бўлсин дейман», дедилар. Шунда мен «Ахир сиз Аллоҳдан хизматкор бўлишни сўраган экансиз-ку, неварангиздан эмас,

ўзингиздан хафа бўлинг», дедим.

Яна бири ўз ҳаётимда содир бўлган бир воқеадир. Уни эслаш менга оғирдир. Менинг отам урушдан ишга яроқсиз бўлиб келганлари учун рўзвор тебратиш онамнинг зиммаларига тушган. Улар мени ва икки синглимни Аллоҳнинг ёрдамида ҳалол меҳнат билан вояга етказиб, олий маълумотли қилишни ҳам уйдалаганлар. Мен фақат помзоди бўлганимдан кейин уларни ишлатмадим. Уйда беш вақт намоз ўқиб, дуоимизни қилиб

ўтирдилар. Совуқни совуқ демай, иссиқни иссиқ демай рўзвор тебратиш учун қаттиқ меҳнат қилганлари сабабли оёқ оврини-га чалинган эдилар. Ялғиз боғланса овриқ тузалади, деган гапни эшитиб ялғиз боғлаб, экзема касалини ҳам орттриб олдилар. Бу икки касаллик юракларига оғир тегиб, гоҳо: «Эй Аллоҳим, ўзинг осон қилгин», деб дуо қилардилар. Онамнинг илтижолари қабул бўлган экан. Онам шаҳид бўлдилар. Мен Қуръони каримни ўқигач, ўна воқеликни тушундим.

Раҳима ҲУСНИДДИН қизи,
профессор

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

ИЛОҲИ, ЎЗИНГ СОРИ ЙЎЛ КЎРГҮЗ...

* * *

*Даҳр боғи аро кўп истамагил айшу тараб
Ким, гули шуълайи ғам, гунчасидур хори тааб.*

*Суббула ришталарини риштайи мақсуд дема,
Ким, кўнгуллар қуши домиға эрур барча сабаб.*

*Ариғи ичра ушоқ тоши агар инжу зар,
Тоғири умрушг учун донаву су тоғти лақаб.*

*Англа зийрак қуш аниким, кўрубон мундоқ дом
Бўлмағай теграсида обхўру дона талаб.*

*Дона еб, ҳосил этиб фазла, нажас айламағай
Боғ саҳини, риоят қилибон тарки адаб.*

*Ё бўлуб домға муҳкам тона олмай махлас,
Урулуб, толлиншибон айламағай шўру шақаб.*

*Чун Навоий кўзи боғлиқ қуш эрур олам аро,
Бу чамандин анга учмоғини насиб эт, ё Раб!*

Дунё молига берилишдан қайтариш мумтоз адабиётда кўп учрайди. Таъкидланишича, мол-дунёга ортиқча меҳр қўйиш инсонни Ҳақ йўлдан оздиради, Парвардигоридан беғоналашиб, тубанлашувига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам сўфиёна адабиётда дунё кўпинча нозу ишва билан ошиқларини йўлдан урадиган, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган хиёнаткор маъшуқага ўхшатилади. Гўёки сарвқад ва гўзал кўринадиган, аслида эса қадди букчайган, тишлари тўкилган кампирга қиёсланади.

Навоийнинг фалсафий қарашларини ифода этган орифона асарларидан бўлмиш мазкур ғазалда ҳам мол-дунёнинг ёмонликлари хусусида сўз боради, унга кўнгил бермасликка, нафс тўрларидан қутулишга даъват қилинади:

*Даҳр боғи аро кўп
истамагил айшу тараб
Ким, гули шуълайи ғам,
гунчасидур хори тааб.*

Мазмуни: Бу дунё боғида кўп ҳам айшу тарабга берилма, унинг кўзларингни яшнатувчи гуллари аслида ғам шуъласи, қалбингга қувонч бағишловчи гунчалари машаққат тиканларидир.

Бунда азиз умрини ўйинкулгу, ҳою ҳавасга берилиб, беҳуда ўтказмасликка даъват бор. Зеро, Аллоҳ ҳузурда инсон ҳар бир хаттиҳаракати, ҳар бир айтган сўзи учун ҳисоб беради. Умрини дунё боғида айшу ишратда ўтказган кимсаларнинг қалбини қиёматда у гуллар ғам ўтига айланиб куйдиради, бағрига у гунчалар машаққат тикани бўлиб санчилади.

*Суббули ришталарини
риштайи мақсуд дема,
Ким, кўнгуллар қуши
домиға эрур барча сабаб.*

Мазмуни: Дунё отлиғ маъшуқа зулфининг торларини мақсадга етказадиган восита билиб алданма, — деб огоҳлантиради шоир, — уларнинг ҳар бири аслида кўнгиллар қушини овлаш учун бир тузоқдир.

Соч — тасаввуф шеърятда моддий дунё тимсоли бўлиб келади. Унинг узунлиги — дунёвий ҳою ҳавасларнинг чек-чегарасизлигига, қалинлиги — тирикчилик ташвишларининг сон-саноксизлигига, ҳалқа-ҳалқалиги — нафс бандалари кўнглини овлаш учун тузоққа, қоралиги — ўзига эргашганнинг қисматини қора қилишига қиёсланади ва ҳоказо. Сочнинг илонга, аждарга ўхшатилиши ҳам унинг айни маънода мол-дунёга нисбати борлигидандир.

*Ариғи ичра ушоқ тоши агар
инжу эрур,
Тоғири умрушг учун донаву су
тоғти лақаб.*

Яъни: «Бу дунё ариғи ичидаги майда тошчалар агарда дур бўлганида ҳам алданмаки, улар умринг қушини овлашга мўлжалланган сув ва доналардир».

Диққат қилсангиз, ғазалда дунё ўқувчи кўз ўнгида овчи сифатида гавдалантириляпти. Бу овчининг оддий овчидан фарқи шундаки, у одамларни овлайди: тузоғини ёйди — лаззатларни ваъда қилади; суву дона сочади — неъматларини кўз-кўз этади. Лекин зийрак қуш суву донага алданмайди, унинг ортида тузоқ борлигини англайди:

*Англа зийрак қуш аниким,
кўрубон муидоқ дом
Бўлмагай теграсида обхўру
дона талаб.*

Бунда зийрак қуш — ўзини
англаган киши дона илинжида ор-
тиқча еб-ичиш орқасида адаб
қоидаларини унутиб, боғ саҳнини
нажосат билан ифлос қилмайди:
*Дона еб, ҳосил этиб фазла,
нажас айламагай
Боғ саҳнини, риоят қилибон
тарки адаб.*

Суву донадан емаганида ҳам
домга гирифтор бўлиб, кейин ун-
дан қутулиш йўлини тополмай,
уришиб, талпиниб, ғавго кўтар-
майди. Тузоққа тушмаслик учун
киши нақшбандиянинг «Назар
бар қадам» қондасида асослаб
берилгани каби ҳар бир қада-
мини ўйлаб босиши, ўз хатти-ҳа-
ракатини муттасил назорат қилиб
бориши керак.

*Чун Навоий кўзи боғлиқ
қуш эрур олам аро,
Бу чамадин анга учмоғи
насиб эт, ё Раб!*

Мазкур ғазал «Хазойин ул-
маоний»нинг иккинчи китоби —
«Наводир уш-шабоб» девонига
киритилган. Маълум бўладики, у

шоирнинг йигитлик даврида
ёзилган. Қаранки, бу фаслда дунё
неъматларига алданиш хавфи
кўпроқ бўлади.

Навоийнинг мартаба ва ну-
фузи орта борса-да, у сира киб-



ру ҳавога берилмади. Аксинча,
ўз хулқини тарбиялаш, ҳаммага
хоқсорлик ва тавозеъ кўрсатиш
па-йида бўлди. Бу ҳақда Хон-
дамир «Мақорим ул-ахлоқ»да
шундай ёзади: «Ҳар қачон под-
шоҳи соҳибқирондан ўз ҳолига

бирин-кетин иноят ва марҳамат
кўргани сари хилват жойга бо-
рар, бош яланғочлаб, бир миқ-
дор тупроқни бош устига со-
чар ва азиз нафсига ундаб ай-
тардики, дунё мартаба ва ҳаша-
матларининг эътибори йўқ, зин-
ҳор бу мартабаларнинг қўлга ки-
ришини худбинлик ва такаббур-
ликка сабабчи қилма: ўзингни
тупроққа тенг тутиб, мумкин
қадар фуқаро ва мискинлар
ишини ҳал қилишга урин».

Дарҳақиқат, мартаба ва об-
рў-эътибор туфайли кибру ғурур-
га берилиб кетмаслик, нафсу ҳаво
ишвасига учмай, ўзини пок сақ-
лаб қолишнинг ўзи бўлмайди.
Шунинг учун ҳам шоир Аллоҳга
мурожаат қилиб айтадики: «На-
воий бу оламда кўзи боғлиқ қушга
ўхшайди, унинг дунё мақрига ал-
данишига йўл қўйма, тириклик
тўрларини узиб чиқиб, илоҳий
парвоз айлашини насиб эт!»

Навоийнинг бошқа бир аса-
ри «Муножот»да ҳам шунга
ўхшаш фикрларни ўқиймиз:
«Илоҳи, дунё майли риштасин
қўнглумдин уз ва нафсоният тий-
ралигида ҳидоят шамъи била
ўзунг сори йўл кўргуз!»

ДУО



IX

**Аллоҳим! Сендан ушбу исм
ва сифатларинг билан илтижо
қилиб тилайман ва ёлвораман:**

**1. Эй бўлишини истамаган
нарсанинг бўлишига тўсиқ
бўлгувчи Монеъ!**

**2. Эй зарарли нарсаларни ва
монъеликларни даф этгувчи До-
феъ!**

**3. Эй фойдали нарсаларни
яратгувчи Нофеъ!**

**4. Эй барча овозларни эшит-
гувчи Сомеъ!**

**5. Эй сўраганларнинг марта-
басини кўтаргувчи Рофеъ!**

**6. Эй ҳар нарсани санъат би-
лан яратгувчи Сонеъ!**


**7. Эй қулларини шафоат эт-
гувчи Шофеъ!**

**8. Эй истаганини истаган
шаклда тўпловчи Жомеъ!**

**9. Эй олим ва эҳсони ҳар нар-
сани ичига олган Восеъ!**

**10. Эй истаган нарсасини и-
стаган шаклда кенгайтириб-
кўпайтиргувчи Мусиъ!**

**Сен барча қусур ва нуқсон си-
фатлардан поксан. Сендан бош-
қа илоҳ йўқки, бизга мадад бер-
са. Омонлик бер бизга, омонлик
тилаймиз. Бизни жаҳаннамдан
асра!**



Чор босқиччилари Самарқандда сақланаётган Ҳазрати Усмои Мусҳафни 1869 йили Петербургга олиб кетадилар. Туркистон мусулмонлари бундан афсус қилдилар. Русиядаги 1917 йил

ги ўзгаришлар мусулмонлар қалбига умид учқунларини ташлади. Узоқ сбли-югуришлар, тортигувлардан кейин Мусҳаф Уфа диний назоратига қайтарилди. Сўнгра Тошкентга олиб келинади.

20-йиллар матбуотида айни масалага доир қатор мақолалар чоп этилган. Мақолаларнинг умумий мазмуни моҳиятида Ҳазрати Усмои Мусҳафга қизиқиш, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, зарурий шарт-шароитда сақлаш каби фикрлар мавжуд. Қуйида ўша мақолалардан бирини эти-борингизга ҳавола этмоқдамиз.

ҲАЗРАТ УСМОН МУСҲАФИ

Ярим асрдан бери Петербург музахонасида сақланмоқда бўлган Ҳазрат Усмои Мусҳаф шарифи 19 январда улуг бир аскарый ҳайъат ила Уфага келтирилди. Ҳайъат бошида Петербург мўтабаронидан Алим афанди Мақсудов бор эди. Уфа вокзалинда бу Мусҳафи Шариф мусулмон аскарлари, миллий идора тарафиндан сайланган ҳайъат ва бошқа мўтабарони исломий тарафиндан тантанали суратда қарши олинди. Мусҳафи Шарифни диний назоратига топшурмоқ маросими ҳам ниҳоятда тантанали суратда ижро этилиб, асарли нутқлар сўйланди.

Англашилдиғина кўра, бу Мусҳафи Шариф диния назоратинда махсус бир уйда

ёнмайтурғон сандукда сақланур ва зиёрат этмакчи бўлгон кишиларга ҳафтада махсус бир кунда зиёрат этдирилур экан.

Энди шу муносабат ила бирмунча сўз айтиб ўтмакка ўзимни мажбурият остинда кўраман:

Маълумки, бу Мусҳафи Шариф русларнинг Туркистонни истило этганидан сўнг, Самарқанддан олинуб Петербургга юборилган эди. Бу кунда бир неча зотларнинг ташаббуси билан янадан ўз қўлимизга олинди.

Ҳозир бизнинг кўз олдимизда бу Мусҳафи Шарифни қайда сақламоқ масаласи турадир. Ҳар бир ишга ўзининг маълум (?) бир таёғини туртуб келган туркистонли қар-

дошлар, шояд бу тўғрида ҳам жанжал чиқариб қолмасалар. Шу хусусда кичик бўлса ҳам ўртага биргина қавмият низо-си тушмай қолмас. Чунки шундай буюк асарларнинг душмани кўб бўлгонидек, ўғурловчиси ҳам кўб бўлур. Шунинг учун бўлса керак, бу кунда бу Мусҳафи Шариф Уфада аскарлар қарамогинда сақланмоқдадир.


Ушбу кунда бу Мусҳафи Шарифни туркистонлилар тарафиндан талаб этилиши ненимча, маъқул эмасдир. Чунки ҳозир Туркистонда шундай қимматли асарни сақламоқ учун «Миллий музахонамиз» йўқ. Туркистон ўзига келиб, ҳаёт табиий йўлига тушсун, Туркистонда миллий музахоналар очилсун, ул чоғда биз талаб этмаган тақдирда ҳам, иншааллоҳ, виждонли «Идил» бўйи мусулмонлари Мусҳафи Шарифни бизга тобшурурлар. Мунда ҳеч бир шак йўқ¹.

Мирмуҳсин ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Уфа «Олия».

«Хуррият» газетаси, 1918 йил,
8 март, 77-сон, 1-2 бетлар.

«Турон» кутубхонаси ходими
Феруза НУРИДДИНОВА
тайёрлади


1. Дарҳақиқат, Мирмуҳсин Шермуҳамедов таъкидлаганидек, Мусҳафи Шариф 1924 йили август ойида Тошкентга олиб келинади. Бу хусусда батафсил маълумот учун қаранг: Шайх Насриддин Маҳдум, «Тошкентдаги Усмои Мусҳафнинг тарихи», «Мовароуннаҳр» нашриёти, Тошкент, 1995 й.



Тошкентим

*Сен азиз юртимнинг азим пойтахти,
Бағрикенг маъвосан, меҳринг бир қуёш,
Ўғил-қизларимнинг бўй этган бахти,
Қувончим — кинриқда қалқиб турган ёш.
Кўҳна Шарқ уфқида юлдуздай норла,
Камолнинг кўнглимни яшнатувчи нур.
Дўстларни муборак тўйларга чорла,
Сўлим боғринда гулласин сурур.*

Тожибек ЮСУФБЕК ўғли



Бир саволим бор



Садақи фитр ҳақида, уни кимларга ва қанча миқдорда бериш кераклиги тўғрисида маълумот берсангиз.

Гани УМРЗОҚОВ,
Андижон вилояти

Жавоб. Садақи фитр Рамазон ойида адо этиладиган молиявий ибодатдир. Бинобарин, уни бериш кимларга вожиб бўлиши, қанча ва кимларга берилиши аниқ ва равшан баён этилган. Барча ибодатларнинг шаръий тартиби ва йўриқларига дахл қилиш мумкин бўлмаганидек, садақи фитрнинг ҳам шаръий тайин этилган миқдорига ҳеч ким дахл қилишга ҳақли эмас.

Садақи фитр аслий эҳтиёжидан ортиқ закот бериш учун белгиланган қийматдаги бойликка эга озод муслмон эр ва аёлга (балоғатга етмаган бўлсалар ҳам) вожибдир.

Битта турар-жой, рўзгор учун зарурий асбоблар, уйга керакли жиҳозлар, касб

қуроллари, қиш-ёзда кийиладиган кийимлар аслий эҳтиёж ҳисобланади.

Мазкур қийматдаги молга эга муслмон ўзи ва бойлиги йўқ балоғатга етмаган фарзандлари учун садақи фитр бериши лозимдир. Унга хотини, балоғатга етган фарзандлари учун садақи фитр бериш вожиб эмас. Шундай бўлса-да, улар номидан ҳам берса, уларнинг зиммасидан да соқит бўлади.

Садақи фитр ҳар бир жон учун майиз, бугдой ва ундан икки кило, хурмо ва арпадан тўрт кило ёки буларнинг айни кунда бозордаги сотилиш нархи қийматида берилади.

Садақи фитр закот олиши мумкин бўлган кишиларга берилади. Шунингдек, уни зиммийларга ҳам бериш мумкин. Садақи фитрни ота-онага, бобо-бувиға, фарзандларга, набраларга, хотин ё эрга бериш мумкин эмас.

Садақи фитр муҳтож одамларнинг аҳволини яхши-



лашга қаратилган молиявий ибодат бўлгани учун уни масжидлар қурилиши ё таъмирига ишлатиш мумкин эмас.

Садақи фитрни Рамазон ойи ичида беришга улгурмаган муслмон уни кейин бўлса ҳам албатта бериши лозим. Зеро, у Рамазон ойи ўтиши билан зиммадан тушиб қолмайди.

Садақи фитрни хушнудлик билан белгиланган миқдорда адо этиш тугилган рўзанинг мақбул бўлганлик белгисидир.

Домламиз Мусофир ҳукмлари ҳақида сўзлаганларида «ватани асли», «ватани иқомат» деган сўзларни ишлатдилар. Шулар ҳақида тушунча берсангиз. Мусофир суннат намозларни ўқийдими!

Набижон ЙЎЛЧИЕВ,
Юқори Чирчиқ

Жавоб. Инсон туғилган, оиласи ўрнашган, доимий яшашга қасд қилган жойлар унинг ватани асли ҳисобланади. Ўн беш ё ундан ортиқ кун туришни ният қилинган жой ватани иқомат ҳисобланади.

Ватани аслидан кўчиш уни бекор қилади. Яъни, туғилган

ё яшаётган жойидан кўчиб бошқа жойда яшашни давом эттираётган киши у жойларга келганда, ўн беш кун туришни ният қилмаса, мусофир ҳисобланади.

Ватани иқоматни иккинчи ватани иқомат ва ватани асли бекор қилади. Бу ҳол яна қайтиб иқомат жойга иккинчи бор келганда, қайта ўн беш кун туришни ният қилмаса, мусофир ҳисобланади, демакдир.

Мусофир ўрнашган ерида суннат намозларни қолдирмай тўқис ўқийди. Аммо кўнар манзилигача бўлган йўли давомида, машаққат бўлса, суннат намозларни қолдиради (Халаби Кабир).

Ғусл қилиши лозим бўлган аёл ҳайз кўриб қолса нима қилади?

Озода,
Тошкент вилояти

Жавоб. Ихтиёрлидир. Хоҳласа ғусл қилади, хоҳласа ҳайздан пок бўлишни кутиб туради, сўнг биратўла ғусл қилади (Ҳазонатул ривоят).

Жавобларни
Муҳаммад
ШАРИФ ЖУМАН
таёрлади.

РЎЗАНИНГ ФОЙДАЛАРИ

Аллоҳ биз мўминларга фарз қилган Рамазон рўзасининг инсон учун фойдалари жуда ҳам кўп. Жумладан:

1. Рўза тутган кишининг тақводорлиги ошади. Аллоҳ таоло



рўза ҳақидаги оятнинг охирида «Шоядки, тақводор бўлсангиз», дейди. Аллоҳ таолонинг «Шоядки» дегани эса «Албатта бўласиз» мазмунидадир. Очлик ила кишиларни даволовчи табиблардан бирига: «Сиз рўза туфайли топган энг улкан фойда нима?» деб савол берилганда: «Аллоҳни ҳис этиш, ибодат қилишга ҳавас, қисқаси, тақводорлик», деб жавоб берди.

2. Рўзаниннг энг машҳур ҳикматларидан бири соғлиқдир. Рўза ихтиёрий оч қолишнинг энг яхши намунаси. Рўза нафақат соғлиқни сақлаш учун, балки беморликларни даволаш учун ҳам ўта зарурлиги таъкидланмоқда. Ҳозирги кунда кенг тарқалган беморликларнинг кўпларини мусулмон бўлмаган юртларнинг табиблари очлик — рўза тутдириш йўли билан даволамоқдалар. Яқинда ўрис олимлари рўза тутдириш йўли билан даволанган беморлар рўйхатини эълон қилишди. Натижалар,

кишини ҳайратда қолдиради. Ҳатто саратон касалига мубтало бўлганлар ҳам шу усулдан шифо топганлар.

3. Рўзаниннг фойдаларидан яна бири ҳавоӣ нафси синдиришидир. Маълумки, ҳавоӣ нафсининг айтганини қилавериш инсонни унга қул қилиб қўяди. Бора-бора инсон ҳавоӣ нафси нима деса шуни қиладиган бўлиб қолади. Ҳавоӣ нафс эса инсонни ҳеч қачон яхши нарсага буюрмайди. Рўза тутган киши эса иштаҳаси келиб турган ҳолда турли таом, ичимликлар, шахвоний нарсалар ва истаклардан ўзини тийиш билан ҳавоӣ нафсининг хоҳишини синдиради.

4. Рўзадор шайтонга қаҳр кўрсатади. Маълумки, лаънати шайтон инсон боласини яхшиликдан қайтариб, ёмонликка бошлаб туради. Инсон боласи ёмонликка юрса шайтон алайҳилаъна хурсанд бўлади. Инсон боласи яхшиликка юрса, Аллоҳнинг амрини бажо кел-



тирса, хафа бўлади, ўзини қаҳрга қолган ҳисоблайди.

5. Рўзадорнинг қалби мусоффо бўлади. Рўза тутган инсон доимо Аллоҳ таолонинг кузатиб турганини ҳис қилиб яшайди. Шунинг учун ҳам, ўзи ёлғиз қолганда ҳам рўзасини очишга журъат қил-

майди. Доимий равишда Аллоҳни ҳис этиб туриш киши қалбини мусоффо қилади.

6. Рўза тутган кишиларнинг гуноҳлари мағфират қилинади. Бу маълум ва машҳур ҳақиқатдир рўза ҳақидаги ҳадиси шарифларни ўрганиш давомида бу ҳақиқатни яна ҳам очиқ-ойдин кўрамай.

7. Рўза тутган киши фаришталар сифати ила сифатланадилар. Маълумки, емаслик, ичмаслик ва жинсий яқинлик қилмай, доимо тоатда бўлиш фаришталарга хос сифатлардир.

8. Рўзадорнинг сабр-бардоши ортади. Бу эса ҳар бир инсон учун жуда ҳам зарур сифатдир. Ўз ихтиёри ила ўттиз кун кўнгил хоҳлаган нарсалардан ўзини тийган киши керагича сабр-бардошга эга бўлади.

9. Рўза раҳм-шафқат сифатини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Рўза тутган киши ўз ихтиёри ила оч қолиб, чанқаб, турли кўнгил хоҳишларидан, лаъззатли нарсалардан вақтинча маҳрум бўлиш билан бирга, ноиложликдан оч қолиб, чанқаб, дунё лаъззат-

ларидан бебаҳра бева-бечора, камбағал фуқароларга нисбатан раҳм-шафқатли бўлади.

Бу дунёда шунча фойда ва манфаатлари бўлган рўза учун охирада Жаноби Ҳақ ҳузурда қандай мукофотлар бўлишини энди тасаввур қилаверинг.

САУДИЯДА РАМАЗОН ҲАЙИТИ

Саудия Арабистонида Рамазон алоҳида тантана ва тайёргарлик билан кутиб олинади. Умумий ўқув юртларига ўн кунлик, давлат муассасалари ходимларига тўрт кунлик расмий таътил берилади. Рамазон ойининг ўн бешидан бошлаб шаҳар кўчалари, мадрасалар, сайргоҳ ва хиёбонлар алоҳида рангли чироқлар билан безатилади. Ҳайит ширинликлари билан савдо қиладиган махсус дўкончалар очилади. Шаҳарларнинг марказий майдони ва чорраҳаларида таровеҳ намозидан то тонгга қадар савдо ярмаркалари ишлайди. Унда асосан Ҳайит ширинликлари ва кийим-кечаклар сотилади. Бу ярмаркаларнинг ўзига хослиги шундаки, ҳар бир тижоратчи сотувга қўйган молларини иложи борича чиройли безаклар, Ҳайит табриклари ва Қуръон оятлари ҳамда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадислари ёзилган шиорлар билан харидорларни ўзига чорлаш мақсадида махсус жарчиларни ёлладилар.

Ҳайит ақинлашгани сари шаҳарлар ўзига хос бир байрамона



тусга кириб, таровеҳдан то саҳаргача хиёбонлар гавжум бўлади. Бутун Макка аҳли Ҳайит намозини фақат Ҳарами Шарифда ўқишади. Мадинаи Мунавварада ҳам намоз фақат Масжидун Набавийда ўқилади. Ҳайит намозининг хутбалари мамлакат миқёсида бир хил мавзуда бўлади.

Одамлар намозга барвақт энг яхши либосларини кийиб, қимматбаҳо мушк-анбарлардан сеппиб, бутун шаҳарни ширин ҳидга тўлдирган ҳолда масжидга тўпланадилар. Бунда кичик, балоғат ёшига етмаган болалар бошида оқ рўмол, ёш ва ўрта ёшликларнинг бошида қизил катта рўмол, улуғ ёшдагилар оқ рўмол, унинг устига «игор» ва устиларига зарлик сариқ, қора «мишдох» (бу махсус Ҳайит учун тайёрланган бош кийимлар) киядилар. Намоздан сўнг таниш-билишлар бир-бирларини табриклашиб, катта ёшдагиларнинг қўлларини, улуғ ёшдагиларнинг пешоналаридан ўпадилар. Ҳамма байрам дастурхони атрофида тўпланиб нонушта қиладилар. Хонадонлар намоздан қайтгунга қадар безатилиб, ҳамма уй ва йўлакларга бухур (хушбўй исириклар) тутатилиб, намоздан кетганларни таҳлил ва такбир билан кутиб оладилар.

Ҳайитнинг биринчи куни қариндош-уруғлар ва ёши улуғларнинг уйларига бориб, уларни ийд билан табриклаш, ҳадялар тақдим этиш билан ўтади. Улар-

ри сайргоҳларда ўйнаш билан биргаликда ўзидан катталарни кўрганларида уларга салом бериб, қўлларини ўпиб, пешоналарига теккизадилар. Улуғ ёшдаги қариндош-уруғлар ва касалхона, хиёбондаги қариндош-уруғлар



зиёратидан кейин ёшлар ўз жўралари билан денгиз сайрларига ёки бошқа салқин шаҳарларга байрамни нишонлаш учун бирикки кунлик сафарга кетадилар. Аёллар ҳам ўз қариндош-уруғлари билан тўпланиб, ўйин-кулги қилиб, бир-бирларига байрам ҳадяларини тақдим этадилар.

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳри «Қизил денгиз маликаси» деб аталади. Шу боис бутун денгиз бўйи алоҳида байрамона кўриниш касб этиб, махсус ўйингоҳлар, ҳар турли емакхоналар келган меҳмонларга хизмат кўрсатади. Шу боис бу Ҳайитда Саудиянинг қайси шаҳридан бўлмасин Жиддадаги денгиз бўйи томошаларини кўрмаган киши қолмайди.

Байрамнинг қолган кунлари ҳам ана шундай зиёратгоҳларда сайр қилиш, хонадонларга тўпланиб, зиёфатлар ва хайрли, дилкаш суҳбатлар қуриш билан ўтади.

Илҳом ЭШОНЖОН ўғли



(Давоми, бошланғичи ўтган сонда)
* * *

Шоирлар аёллар ҳақида кўп гапиришади. «Аёл — баҳор», «Аёл — севги» каби гапларни кўп эшитамиз. Лекин нима учундир ҳеч ким «Аёл — ИНСОН» дейишмайди. Нима, аёл инсон эмасми? Ёки бу таъбир қофияларига яхши тушмасмикин?

* * *

Буткул замин у осмон уйқута чўмган дамда, бўронлар тиниб, тў-фонлар тўхтаган пайтда ҳам вақт зийрак туради. У ҳаминша уйқоқ.

* * *

Ақл билан юрак бир хил иш билан машғул бўлса, вақт ўтгани билинмайди, иссиқ, оч-наҳорлик, ташналик таъсир қилмайди.

* * *

Абадийлик надир? Бир, ўн, минг йилми ёки минг карра минг йилми? Ёки чексизликми?

Донишманддан «Айтинг, абадият нимадир?» деб сўрашибди. У зоти бобаракот шундай жавоб қилган эканлар: «Мен мангуликни билмайман, аммо бир онини тасаввур қила оламан. агар сиз ҳам тасаввур этмоқни истасангиз, ана, Ойни кўряписизми, турган ерингиздан то ўша Ойга қадар бир олмос устун бунёд этинг. Сўнг тасаввур этингким, бу куш ҳар куни учиб келиб тумшуғини шу олмос устунга артяпти. Шу артиши билан устунни у билинар

Тоҳир МАЛИК

ШУДРИНГ ТОМЧИЛАРИ

билимас бўлса-да, емиради. Шундай тарзда қушнинг олмос устунни емириб битиришига кетган вақт абадиятнинг бир лаҳзаси бўлади».

* * *

Агар биз учун иш биринчи даражали, иш ҳақи иккинчи даражали бўлса, у ҳолда бизнинг жанобимиз меҳнат ва бу меҳнатни яратувчиси Аллоҳдир. Бордию иш биз учун иккинчи даражали, иш ҳақи эса, ундан муҳимроқ бўлса, у ҳолда биз иш ҳақи қулидирмиз. Иш ҳақининг яратувчиси эса Аллоҳ эмас, шайтон алайҳиалаһнади. Шайтонларнинг ҳам энг тубанидир.

* * *

Донишманд дебдики: ҳар қандай яхши қонуннинг муқаддимаси, шунингдек, хотимаси ҳам шундан иборатки, ҳар бир инсон бир бурда нонини яхши меҳнати билан топа олсин ва, айни чоқда, меҳнатига лойиқ яхши нон ола олсин.

* * *

Кўп билмоқлик ва билимини кўз-кўз қилиб кибрланмаслик — маънавий юксакликдир. Кам билмоқлик ва ўзни билимдон қилиб кўрсатмоқлик хасталиқдир. Бу хасталикни англасаккина, ундан қутула олмоғимиз мумкин.

* * *

Масъудликка қўникмайлик ва маҳлиё бўлмайлик, чунки у ўткинчидир, боқий эмасдир. «Ким масъуддир, ундан ажралмоқликни ўргансин, ким бахтлидир, қайғурмоқликни ўргансин», деган эканлар.

* * *

Бир киши маърузасида донолик билан дебди:

— Агар хасталансангиз, албатта табибга боринг, чунки табибнинг ҳам тирикчилиги бор. Табиб сизга дори буюради, сиз бу дорини албатта сотиб олинг, чунки дорифуруш-

нинг ҳам тирикчилиги бор. Аммо сотиб олган бу дорингизни зинҳор ича кўрманг, чунки ўзингизнинг ҳам тирикчилигингиз бор.

Иттифоқо, шу мажлисда гўрков ҳам ўтирган экан, воизнинг кейинги гаплари унга ёқмай шарт ўридан туриб дебди:

— Ўша табиб ёзиб берган, дорифурушдан сотиб олган дорингизни албатта ичинг, чунки менинг ҳам тирикчилигим бор...

* * *

Алқисса, бу дунёда ҳамманинг тирикчилиги бор. Тирикчилик деб ўзимизни ҳар томонга урамиз, тегирмон тошлари орасидан ўтишдан ҳам тоймаймиз. Кўп ҳолатларда унутамизким, тирикчилик-ризқ илоҳий ўлчов билан белгилаб қўйилган. Бу белги чегарасидан ўтиш ҳали ҳеч кимга насиб этмаган. Қудсий ҳадисда марҳамат қилинадики: «Эй Одам фарзанди, агар сенга ажратиб қўйилган ризққа қаноат қилсанг, ризқинг ўзи келади ва мендан ҳам мақтов оласан. Бордию бу тақсимга қаноат қилмасанг, дунёни сенинг устингга султон ва сени унга хизматкор қилиб қўяман. Дунё учун чўлдаги ваҳший ҳайвонлар каби югурасан, аммо сенга тақсимлаб қўйган ризқимдан ортиғи келмайди ва ўзинг ҳам менинг олдимда хижолат бўлиб қоласан».

Дунёда хижолат бўлиб қолаётганларни кўриб турибмиз.

Аслида одамзотнинг яшамоғи учун жуда оз нарса керак. Хорун ар-Рашиддан сўрабдиларким: «Эй подшоҳим, тасаввур қилинг, саҳрода ёлғиз қолиб ташналиқдан азоб чекапсан. Сенга бир қултум сув инъом этдилар, эвазига нима берар эдинг?» Хорун ар-Рашид жавоб қилди: «Ҳазинамнинг ярмисини берардим». Яна сўрадилар: «Эй подшоҳим, ичга кирган бу бир қултум сувнинг чиқиб кет-

моғи ҳам бор. Чиқиб кетмоғи учун нимани бағишлар эдинг?» Хорун ар-Рашид жавоб қилди: «Хазинамнинг қолган ярмини бахш этардим». Шунда донолар дедиларким: «У ҳолда барча бойлигининг қиммати бир културм сувча экан».

Ўйлаб кўрилса, бу оддий ривоят ва фалсафа эмас. Менга айтиб беришган эди: бир киши оғир хасталикка ялинибди. Яқинларини чақириб, темир жавонидоғи пулларни, тиллаларни олиб ўртага тўкибди-ю, «нима қилсаларинг ҳам, мени олиб қолинглар», дебди.

Кишининг ризқи адо бўлгач, тиллалар ёрдам бера олар эканми?

Биз пул топиб, бойиётганимиздан қувонамиз. Билмаймизки, бу бойлик ўзимизга насиб қиларми экан? Муборак Қудсий ҳадисда зикр қилинурким: «Эй Одам фарзанди, билгилки, бу дунёда тўйлаган бойлигинг меросхўрларга қолади. Ундан емоқ ва ҳузурини кўрмоқ кўпинча бошқаларга насиб бўлур. Унинг ҳисоб-китоби ва надомати эса сенинг бўйинингга тушгай. Қабрда сенга фақат ҳаётлик вақтингда қилган яхши амалларинггина ёрдам бергай».

Биринчи ривоят

Хасис бой кам еб, кам ичиб, ҳатто оидаси ризқини ҳам қирқиб, катта хазина тўплабди. Ўзининг мўлжалича бойлиги етарли миқдорга етгач, «Ана энди кайфу сафо қилиб яшайман», деб хазиналаридан бирининг эшигини очмоқчи бўлибди. Очолмабди. Иккинчисининг, учинчисининг эшиги ҳам очилмабди. У ғазабланиб, сўкина бошлабди. Шунда биринчи хазинадан овоз келибди:

— Сен нега эшикни очмоқчи бўляпсан, нега ғазабланыпсан?

— Бу менинг хазинам, очиб, кўнглим истаганича фойдаланмоқчиман, — дебди бой.

— Агар бу бойликлар сеники бўлса, не учун шу пайтга қадар фойдаланмадинг? Оилангни ҳам муҳ-

тожликда сақладинг? Энди бу бойликлар сенга тегишли эмас, булар Бағдодлик дурадгор Назарга аталган. Истасанг, синаб кўр, — деган овоз билан эшиклар очилибди.

Бой «Агар менга насиб қилмаса, бошқа ҳеч кимга буюрмасин», деган қарор билан йўғон-йўғон ҳодалар сотиб олиб, уларнинг ичини ғовак қилиб тешириб, бойликларини жойлабди-да, дарёга ташлаттирибди. Ўзи эса «нима бўларкин?» деган фикрда дарёда оқиб бораётган ҳодаларга эргашибди.

Дарё Бағдод шаҳридан оқиб ўтаркан. Бу шаҳарда чиндан ҳам Назар деган дурадгор бор экан. У ҳар тонг дарё лабига чиқиб оқиб келаётган ёғочларни тутиб, четга чиқараркан. Ўша тонг қараса, бир қанча ҳодалар оқиб келяпти-ю, аммо эгаси йўқ эмиш. У сузувчилар кўмагида ҳодаларни соҳилга чиқариб олибди. Унгача бой келиб сўрабди:

— Сен кимсан?

— Мен Назар дурадгорман.

— У ҳолда, — дебди бой, ҳодаларни уйга олиб бор-да, орасини ёр.

Дурадгор унинг айтганини қилиб ҳангу манг бўлиб турганида бой унга дебдиким:

— Маълуминг бўлсинким, бу ҳодаларнинг барчаси шу ҳолда жавоҳиру олтинлар билан тўлдирилган ва булар бу онга қадар менга тегишли эди. Аммо Аллоҳ буларни мenden олиб сенга беришни ихтиёр қилди.

Шунда дурадгор:

— Гуноҳингиз бўлса тавба қилинг, Аллоҳ раҳм қилувчидир. Бойликларингизни қайтариб олинг, — дебди.

Бой эса:

— Мен Аллоҳнинг измига қарши бормайман! — деб кўнмабди. Ярмини, ҳатто бир мисқолини ҳам олишни истамабди. Ялинишлари зое кетган дурадгор:

— Ҳеч бўлмаса, учтагина нон олинг, йўлингизга ҳамроҳ бўлсин, — дегач, бой рози бўлибди.

Дурадгорнинг хотини хамир

қориб учта катта-катта нон ясабди-да, орасига жавҳарлардан солибди.

Бой жавҳарли нонларни олиб йўлга тушибди. Шаҳардан бир оз узоқлашгач, чўл ўртасида харобгина чайлани кўрибди. Бориб билсаки, бир чўпоннинг аёли дунёга келган боласини бағрига босиб ўтирибди. Чўпон ночор. Қавми-қариндошлари чўлнинг бошқа ерларига кўчиб кетишган. Унинг еярга нони, чақалоғини ўрашга бир парча матоси йўқ экан. Буни кўрган бой унга ҳалиги учта нонни берибди.

— Сен шу нонларни Назар дурадгорга олиб борсанг, мендан салом етказганингни биледи ва сенга керакли нарсаларни беради, — дебди бой.

Шундай қилиб, нон орасига жойланган жавоҳир ҳам бойга насиб этмабди, яна дурадгорнинг ўзига қайтиб борибди.

Учликлар

Кўкка санчимоқда фаввора
томчилари
Олий мартаба ишида. Сўнг
Йиклай-йиклай шўнғийди нафта.

Ёлғонга сўнги йўқ унинг
рост сўзлай бошлар тугаб қолса
ёлғони,
Унга ҳам қийин.

Жон ва ақл
Эгизакларми?
Қошки эди...

Сариқ сумалак эриб битди,
Оқиб кетди булутларнинг қорин
бисоти.
Қайларда қолди баҳор?

Мансаб таланди, таланди обрў
Талаша-талаша тошгани:
Икки қулоч сури, лаҳаду гувала.

